

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК № \_\_\_\_\_

**СИДИҚОВ НОЗИМЖОН НИЗОМИДИНОВИЧ**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**НУТҚ САНЪАТИГА БАЛОҒАТ ИЛМИНИНГ ҚЎШГАН  
ҲИССАСИ**

Мутахассислик: 5А320101 – Олий Журналистика курслари  
магистр даражасини олиш учун тақдим этилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:  
филология фанлари номзоди,  
доц. Тошмуҳамедова Л.И.**

**Тошкент – 2013**

## **МУНДАРИЖА**

|                   |            |
|-------------------|------------|
| <b>КИРИШ.....</b> | <b>2-6</b> |
|-------------------|------------|

### **I-БОБ. БАЛОҒАТ ИЛМИДА СЎЗ ВА НУТҚГА АҲАМИЯТ**

|                                                         |       |
|---------------------------------------------------------|-------|
| 1.1 Балоғат-сўз ва нутқ ҳақидаги илм .....              | 7-16  |
| 1.2 Илм ул-маъоний (маънолар илми) ва илм ул-бадиъ..... | 17-29 |
| 1.3 Сўзловчи ва сўз фасоҳати .....                      | 30-45 |

### **II-БОБ. НОТИҚЛИК САНЪТИНИНГ БАЛОҒАТ ИЛМИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚЛИЛИГИ**

|                                                     |  |
|-----------------------------------------------------|--|
| 2.1. Нотикликнинг санъат даражасига кўтарилиши..... |  |
| 2.2. Нотикқа зарур бўлган ўзига хос сифатлар.....   |  |
| 2.3. Нутқ таъсирини заифлаштирадиган омиллар. ....  |  |

**ХУЛОСА .....**

**АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ. ....**

**ИЛОВА .....**

## Кириш

Нотик шундай бўлиши керакки,  
унинг мажлисига бўш кирган одам  
тўлиб чиқсин; тўла кирган одам  
эса енгил тортиб, ҳоли қайтсин.  
(Алишер Навоий)

Мамлакатимизда истиклол йилларида бошқа барча соҳалар қатори журналистика соҳасида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, ОАВнинг мустақкам ҳуқуқий асоси яратилди. Бу соҳага оид ўнлаб қонунлар қабул қилинди. Журналист кадрларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатлаб қўйилди. Соҳанинг жамиятдаги ўрни юксалди. Бунинг асосий сабабларидан бири ўлкамизда олиб борилаётган турли ислохотлар мазмунини оммага етказиш, кенг миқёсли ишларда аҳолининг бевосита иштирокини таъминлаш, аҳоли сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, демократик жамият барпо этиш сингари жараёнларда, эзгу орзу ва мақсадларимизда ОАВнинг асосий ва етакчи аҳамиятга эга эканлигидир. Бу хусусда мамлакатимиз Президенти таклиф этган Концепцияда ҳам шундай эътироф этилади: “Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган бугунги кунда дунё

---

<sup>1</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б.28

андозалари даражасидаги билимдон, зукко, ҳар томонлама етук мутахассис кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситалари сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди<sup>2</sup>. Шулардан 950 дан зиёди матбуот нашрларидир.

Шу жиҳатдан, ҳозирги муҳим муаммолардан бири бу сўзлашув, муомала маданиятидир. Дарҳақиқат, ўзбек тили энг тараққий этган тиллардан бири. Бу борада тилшунос олимларимиз ва ёзувчиаримизнинг хизматлари беқиёсдир. Уларнинг катта меҳнати туфайли ўзбек тилининг кўпгина соҳаларида қатъий нормалар белгиланди, тил бирикмаларининг алоқа жараёнидаги масалалар илмий-назарий асосга қўйилди.

Тилнинг ижтимоийлик вазифасини бажариш даражасини белгиловчи омиллардан бири бу нутқ маданиятидир. Нутқ маданияти ҳақидаги таълимот услуб ва услубият ҳақидаги илм ўзининг узоқ ўтмишига эга. У таълимот сифатида қадимги Рим ва Афинада шаклланган бўлса ҳам, унга кадар Мисрда, Оссурияда, Вавилон ва Хиндистон мамлакатларида пайдо бўлганлиги нотиклик санъати тажрибасидан маълум.

Маъноли ва мантиқли гапира билиш, сўзнинг муносиб ўрнини фарқлай билиш, нутқ одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқининг маънавий расолигининг таянч устунларидан саналган». Ваъзхонликнинг, балоғат (чечанлик, нотиклик) санъатининг нутқ олдида қўйилган талаблар даврлар ўтгач мукаммаллашиб борди. Буюк алломалар Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Қошғарий, Замахшарий кабилар тилга, луғатга, грамматика ва мантиқшуносликка бағишланган асарлар ёздилар ёки бошқа соҳаларга доир асарларида бу мавзуга алоқадор фикрлар билдирдилар.

---

<sup>2</sup> Каримов И. Кўрсатилган асар. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б.30

Юртимизда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштиришда, жамоатчилик фикрини демократик ғоялар билан шакллантиришда, мамлакатимизда демократик андозаларни жорий этишда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, айниқса, бунда матбуотнинг жамиятдаги таъсирини ошириш муҳим ҳисобланади.

**Мавзунинг долзарблиги.** Маълумки, нотиқлик санъатида тингловчини, оммани ўзига тортишга интилиш мақсади биринчи ўринда туради. Нотиқ нутқи чиройли, жозибали бўлиши шарт. Чиройлиликка эришиш учун нутқнинг мазмунига, мантиқий кучига, жумлалар бетакрорлигига катта эътибор берилади. Ушбу маънода мана бу сатрлар анча ўринли айтилган: «Нотиқлик аввало чиройли гапиришдир. Аммо нутқнинг фақат чиройли бўлиши ҳали етарли эмас, ҳар қандай беъмани сафсаталарни ҳам жуда чиройли қилиб гапириш мумкин. Бу эса нотиқлик деб саналмайди».

Ўзбек тилшунослиги ва санъатшунослигида нотиқлик санъати ва унинг ўтмиши етарли ишланган эмас. Шу туфайли ўтмиш Шарқ нотиқлиги билан ҳозирги маънодаги нутқ маданияти соҳаси орасидаги кўпгина ўхшаш ҳамда фарқли томонлар биз учун қоронғидир. Нутқ маданияти соҳаси ва унинг мақсадини оммага етказишда ўтмиш нотиқлигининг ижобий томонларидан кенг фойдаланиш зарур.

**Тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Тадқиқот ишининг объекти сифатида нутқ маданияти ва унга оид ҳозирда мавжуд бўлган камчиликларни қисман бўлсада ёритиб бериш.

**Диссертация ишининг ўрганилганлик даражаси ва янгилиги.**

Нутқ санъатига балоғат илмининг кўшган ҳиссаси мавзуси бўйича тадқиқот олиб бориш давомида кўплаб шу мавзуга доир адабиётларни ўрганишга ҳаракат қилинди. Шунингдек, мамлакатимиз олимлари: Қудратов Т. “Нутқ маданияти асослари”, Орипов К., Обидова М. “Ифодали ўқиш”, Жалилов Х. “Нотиқлик санъати”, Кўнғуров Р., Бегматов Э. ва Тожиев Ғ. “Нутқ маданияти ва услубият асослари”, Хусанов Н. “Нутқ маданияти фанидан маъруза матнлари”, Кўнғуров Р. ва Абусаидов А. “Газета тилининг лексик стилистикаси”. Валиева М. «Нутқ маданиятини шакллантириш

ўзликни англашдир». "Тил ва адабиёт таълими" журнали, Алибек Рустамовнинг "Сўз хусусида сўз", Тоҳир Маликнинг "Тилингни асра", А. Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" ва "Хайратул-аброр", Ж. Румийнинг "Ичиндаги ичиндадир" ва "Ҳикматлар", О. Ҳакимованинг "Мантиқ ва нутқ маданияти" ва Кайковуснинг "Қобуснома" асарлари, хорижий адабиётлардан: Цицероннинг "нотиклик санъати ҳақида"ги китоби, Дейл Карнегининг "муомала сирлари", Муҳаммад Баракот Ҳамди Абу Алининг – "Балоғотул арабия", Муҳаммад Диаб ва Султон Муҳаммаднинг Дурусул-балоға, Абдарраҳмон Ҳасаннинг "Балоғотул арабия", Шавқий Зойфнинг "Балоғат илмининг ривож ва тарихи" китобларидан кенг фойдаланилди.

**Диссертация ишининг мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:** Диссертация ишининг мақсади шуки, нотиклик санъати кенг ўрганилиб борилган. Ғарб нотиклиги деса ҳамманинг кўз олдига Цицерон, Платон ва бошқалар келади. Чунки Афинада нотиклик санъати олдинроқ пайдо бўлиб, бу фан ўзининг буюк нотикларини етиштириб берган. Аммо, араб тилида чиройли сўзлаш, фасоҳатли гапириш, сўзлаётганда маъноларга катта аҳамият бериш, танафурул хуруф (бир биридан қочадиган сўзлар)ни ишлатмасликдек яна бир қанча кенг илмларни ўзида мужассам этган балоғат илми (нотиклик) «Журналист кадрлар томонидан» деярли ўрганилмай четда қолиб кетган. Зеро бу илмни Ислом уломлари араб тилининг морфология ва синтаксисларини ўқиб, пухта ўзлаштирганларидан кейин ўрганиладиган долзарб илм деб ҳисоблашган.

Маълумки, Қуръону карим мўжиз (оғиз қолдирувчи) ва мўжаз (қисқа) илоҳий китоб бўлиб, балоғат илми асосан унда мужассам этган. Шу жиҳатдан араблар ва Ислом уломлари Қуръону каримнинг балоғатини, нозик ибораларини пухта ўзлаштиришга киришганлар. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек тилида балоғат илмига доир фақат ўқув кўлланмаларгина мавжуд, кенг фойдаланишлик учун яхлит бир китоб шаклига келтирилмаган.

Диссертациянинг мақсади балоғат илмини кенг ёритиб бериш. Нотиқлик санъати билан унинг чамбарчас боғликлиги, балоғат илмининг ютуқлари ва аҳамиятли томонларини очиб беришдан иборат.

**Фойдаланилган илмий усуллар.** Тадқиқот олиб бориш усуллари сифатида: таҳлил, тасниф, қиёс, типологик каби усуллардан фойдаланилди.

**Назарий ва методологик асослари.** Тадқиқот ишини ёзишда Ўзбекистон Республикасининг ОАВ соҳасидаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ОАВга доир нутқ ва маърузалари, соҳа бўйича ўзбек ва хориж олимлари, мутахассисларининг дарслик, ўқув қўлланма ва илмий мақолалари назарий ва методологик асос қилиб олинди.

**Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Магистрлик диссертацияси мақомидаги илмий ишимиздан шу соҳа бўйича тадқиқот олиб бораётган талабалар, магистрлар, ёш тадқиқотчилар, ўқитувчилар илмий манба сифатида фойдаланишлари мумкин. Ишнинг назарий қисми ва ички таҳлилларида бир қанча манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, нутқлари, бир қатор назарий манбалар – юртимиз ва хорижий адабиётлардан кенг фойдаланилди.

**Ишнинг тузилиши.** Мазкур диссертация иши кириш, 6 фаслдан иборат 2 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблилиги, илмий янгилиги, мақсад-вазифалари, объекти, предмети, назарий-методологик асоси, назарий ва амалий аҳамияти, фойдаланилган илмий усуллар асослаб берилган.

# I-БОБ. БАЛОҒАТ ИЛМИДА СЎЗ ВА НУТҚГА АҲАМИЯТ

## 1.1 Балоғат-сўз ва нутқ ҳақидаги илм

Араб тили дунёдаги тиллар ичида кўп ўрганилган ва ҳозиргача ўрганилиши давом этиб келаётган тил ҳисобланади. Луғат бойлиги, ҳар-бир сўзнинг маънони ифодалашида беткарорликка далолат қилиши, қоидаларининг турли-туманлиги, шеваларининг жуда кўплиги ва бир сўзни бир неча услубда ишлатиш имкониятларининг мавжудлиги билан мукамалликда тиллар ичида ажралиб туради.

Бу тил Қуръони карим тили, Пайғамбаримизнинг тиллари бўлгани учун ҳам уни ўрганиш йўллари дастлабки даврданоқ ишлаб чиқилган. Албатта, араб тилини ўрганиш учун ҳам бошқа тилларни билиш учун керак бўладиган фонетика-грамматика яъни сарф (синтаксис), наҳв (морфология) ва луғат илмларини мукамал ўрганиш керак бўлади. Ушбу илмларни эгаллаш араб тилида соддароқ гаплашиш имконини берсада, лекин мукамал гаплашиш ва уни чуқур тушуниш учун **балоғат** фани қоидаларини яхши билиш алоҳида ўрин тутади. Мазкур балоғат қоидалари араб тили руҳиятини тўлиқ очиб беради. Шу орқали Қуръони карим, ҳадислар ва булардан бошқа араб тилида битилган ноёб адабий дурдоналардан янада чуқурроқ баҳраманд бўламиз. Ушбу жиҳатлар балоғат илмининг аҳамиятини янада оширади.

Дарҳақиқат балоғат илми бошқа илмлардан кўра етарли даражада афзалликлари борлиги учун биринчи ўринда туради. Луғат сир-асрорларини очиб беришда, хазиналарини кашф этишда ҳамда унинг нозик ва нафис жиҳатларини ўрганишда унинг ўрни бекиёсдир. Қуръони каримнинг араб тилида нозил бўлиши, унинг услубий йўналишларини янада кенгайтирди.

Ҳар бир илмнинг фан бўлиб шаклланишида тарихий боқичлари бўлгани сингари, балоғат илмининг ўзига хос босқичлари бор. Дастлаб бу фан балоғат фани деб юритилмаган. У ўзи алоҳида ҳисобланган учта илмдан иборат бўлган: Илмул маъоний<sup>3</sup>, Илмул баён<sup>4</sup> ва Илмул бадиъ<sup>5</sup>. Тилшунос

---

<sup>3</sup> Илмул маъоний - муқтазои ҳолга мувофиқ келадиган араб лафзларининг ҳолатларини ўргатадиган илм.

олимлар бу илмларга фақат сарф-наҳв ва луғатга оид китоблар ёзганларидан кейин киришар эдилар.

Ҳижратнинг иккинчи асрида балоғат ва унинг таркибий қисмлари борасида яна янгитдан кўплаб фикрлар пайдо бўла бошлади<sup>6</sup>. Уламолар араб балоғатининг асосларини баҳс қилиш ва балоғат ва фасоҳат калималарининг маънолари борасида уларнинг фикрларини ёзишга киришди. Мана шу тарзда балоғат ва унинг баҳслари доирасида билдирилган фикрларни ўзида жамлаган балоғат фани илмларига оид китоблар таълиф қилина бошланди. Энг биринчи бўлиб *илмул баён* ҳақида китоб ёзилган дейиш мумкин. Ушбу биринчи қадамни Абу Убайда<sup>7</sup> ўзининг “*Мажозул Қуръон*” китоби билан бошлаганлар.

Илмул маъоний ҳақида Жаъфар бин Яҳё<sup>8</sup>, Саҳл ибн Ҳорун<sup>9</sup> ва бошқалар баъзи асарларида қисман сўз юритганлар. Лекин алоҳида китоб ва фан сифатида ёритиб бериб асар ёзган зот Амр бин Баҳр ал-Жоҳиздир<sup>10</sup>. Китобларининг номи “ал-Баён ват Табйин” ва “Иъжозул Қуръон” бўлган. У кишидан кейин Абу Аббос ал-Мубаррад<sup>11</sup> ва Қудома ибн Жаъфар<sup>12</sup> ва бошқалар асар битганлар.

---

<sup>4</sup> Илмул баён – бир маънони далолати равшан бўлган бир неча йўллар орқали келтиришни ўргатадиган илм.

<sup>5</sup> Илмул бадий – лафзнинг далолатини равшанлиги ва муқтазои ҳолга риоя қилиб, жумлани гўзал тарзда келтиришни ўргатадиган илм.

<sup>6</sup> Ал-Хатиб ал-Қазвиний. Ал-Ийдох фи улумил балоға. Муҳаммад Абдулмунъим ал-Хўфажий таҳқиқ қилган нусхаси. Байрут. Дарул жайл. 1949. 1-жуз. 4-бет.

<sup>7</sup> Абу Убайда Маъмар бин ал-Мусанний ал-Басрий. (112-208 х. 730-823 м). Басрада туғилганлар. Наҳв ва луғат олими. “Эъробул Қуръон”, “ал-Амсал” каби китоблар муаллифи. Қаранг: “ал-Мавсуъа ал-арабия алаламия” 1-жуз.

<sup>8</sup> Жаъфар бин Яҳё ал-Буркумий (150-187 х). Бағдодда туғилган. Ҳорун ар-Рашиднинг вазири бўлган.

<sup>9</sup> Саҳл бин Ҳорун бин Роҳибун Абу Амр ад-Дастимийсоний (000-215 х. 000-830 м). Асли форслик бўлган. Ҳорун ар-Рашиднинг хизматида бўлган. Қиссалар асосчиси. Кўплаб масаллар ёзган. Қаранг: ал-Аълам лиз-Зириклий. 3-жуз. 143-бет.

<sup>10</sup> Амр бин Баҳр бин Маҳбуб ал-Киноний ал-Лайсий Абу Усмон ал-Жоҳиз. (163-255 х. 780-869 м). Басрада туғилиб, ўша жойда вафот этган. Адаб имомларининг буюкларидан. “ал-Баён ват Табйин” ва “Иъжозул Қуръон” ва “Синоъатул калом” каби кўплаб асарлар муаллифи. Умрларининг охирида фалаж бўлиб қолганлар. Қаранг: ал-Аълам лиз-Зириклий. 5-жуз. 74-бет.

<sup>11</sup> Муҳаммад бин Язид бин Абдул акбар ас-Самолий ал-Аздий Абу Аббос ал-Мубаррад. (210-286 х. 826-899 м). Ўз даврининг араб тили ва балоғат имомларидан. “ал-Балоға ва коваъидуш шеър”, “ал-Комил”, “Эъробул Қуръон”, “Тобакотун нуҳатил Басрийин” каби асарлар муаллифи. Қаранг: ал-Аълам лиз-Зириклий. 7-жуз. 144-бет.

Ушбу рўйхатга Дийнурийнинг<sup>13</sup> “ал-Фасоҳа”, Фазл ибн Нубахтнинг<sup>14</sup> “ат-Ташбеҳ ват тамсил”, Марвазийнинг<sup>15</sup> “ал-Балоға вал хатоба”, Абу Саъид Асфоҳанийнинг<sup>16</sup> “Таҳзибул фасоҳа”, ас-Сийрофийнинг<sup>17</sup> “Сунаътуш шеър вал балоға”, Марзабонийн<sup>18</sup> “Ал-муфасссал фил-баён вал-фасоҳа” китобларини ҳам киритиш мумкин.

Ибн ал-Муътаз<sup>19</sup> балоғатда илмул бадиъ тўғрисида биринчи бўлиб китоб ёзишни бошлаб берган уламолардан ҳисобланади<sup>20</sup>. У ўзининг қимматли “ал-Бадиъ” китобини ёзган. Ушбу асарда бадиънинг ўнта навини жамлаган. Аввалда шоирлар шеърларини илмул бадиънинг баъзи тур ва қисмларида ижод қилганлар. У билан бир асрда яшаган Ибн Қудомба бу ўнтани ўрганиб, уни йигирматтага етказди. Кейинги асрларда ҳар бир олим

---

<sup>12</sup> Қудомба бин Жаъфар бин Қудомба бин Зиёд ал-Бағдодий Абул Фараж. (000-337 ҳ. 000-948 м). Фалсафа, баён, балоғат ва мантиқ илми борасида пешқадам уламолардан. Аввал насроний бўлиб, ал-Муктафий биллаҳи ал-Аббосийнинг даврида мусулмон бўлган. “Наҳзатул кулуб”, “Жваҳирул алфоз” ва бошқа кўплаб асарлар муаллифи. Қаранг: ал-Аълам лиз-Зириклий. 5-жуз. 191-бет.

<sup>13</sup> Абу Муҳаммад Абдуллоҳ бин Муслим бин Қутайба ад-Дийнурий. (213-276 ҳ. 828-889 м). Факих, адиб, ноқид, луғат олими бўлган. Куфада туғилган. Барча илмларни пухта эгаллаган. “Тавилул мушкилул Қуръон”, “Адабул котиб”, “Уйунуш шеър” каби китоблар муаллифи. Қаранг: “ал-Мавсуъа ал-арабия алаламиа” 1-жуз.

<sup>14</sup> Фазл ибн Нубахт (Абу Саҳл) Асли Форслик бўлган. Тахминан ҳижрий 193 санада вафот этган.

<sup>15</sup> Жаъфар бин Аҳмад бин Али Абул Аббос ал-Марвазий ал-Аҳвазий. (000-247 ҳ). “Тарихул Қуръан ли тайиди кутубис-султон”, “Китабул масалик ва мамолик”, “Китабул адабил кабир” каби китоблар муаллифи. Аҳвазда вафот этган.

<sup>16</sup> Абдурраҳмон бин Аҳмад Абу Саъид ал-Асбаҳоний. Асли Бағдодлик бўлган. Туғилган ва вафот этган йили маълум эмас. “Адабул котиб”, “Китобун надим” каби китоблар муаллифи. Қаранг: Ҳадиятул орифийн. 2-жуз. 69-бет.

<sup>17</sup> Ҳасан бин Абдуллоҳ бин ал-Марзабон Абу Сайид ас-Сийрофий. (897-979 м. 284-368 ҳ.) наҳв уламоларидан. Асли Форс шаҳарларидан бўлган Сийрофдан. Бағдодда яшаб, ўша жойда қозилик ҳам қилган. “ал-Иқноъ”, “Аҳбарун наҳвийин ал-Басрийин” каби китоблар муаллифи. ал-Аълам лиз-Зириклий. 2-жуз. 195-бет.

<sup>18</sup> Муҳаммад бин Имрон бин Муса бин Саъид бин Абдуллоҳ ал-Марзабоний Абу Абдуллоҳ. (910-994 м. 384-297х). Асли Хуросонлик. Бағдодда туғилиб, ўша жойда вафот этган. Адиб, муаррих уламолардан. “Аҳбару Абу Ҳанифата ан-Нуъмон”, “Ашъару нниса”, “Китобул муъжам фи асмаи шуъаро” каби кўплаб китоблар муаллифи. Ҳадиятул орифийн. 3-жуз. 59-бет.

<sup>19</sup> Абдуллоҳ бин Муҳаммад ал-Муътаз биллаҳ бин ал-Мутаваккил бин ал-Муътасим бин ар-Рашид ал-Аббосий, абул-Аббос. (861-909 м. 247-296х). Бағдодда туғилган. Шеърят ва адбиётга қаттиқ берилган. “ал-Адаб”, “ал-Жомеъ фил ғина”, “Фусулут тамосил”, “Тобақотуш шуъаро”, “Ашъарул мулук” каби китоблар муаллифи. ал-Аълам лиз-Зириклий. 4-жуз. 118-бет.

<sup>20</sup> Абдулмутал ас-Соъидий. Буғъатул Ийдох ли талхисил мифтах фи улумил балоға. Байрут. Мактабатул адаб 2005 й.

бу илмни ривожлантирди. Булар қаторида “Саноъатайни” асари соҳиби Абу Хилол Аскарӣ<sup>21</sup>, “ал-Умда” соҳиби ибн Рашиқларни<sup>22</sup> санаш мумкин.

Сўнг араб балоғат илмининг шайхларидан Абу Бакр Абдулқоҳир Журжоний<sup>23</sup> балоғат тўғрисида ўзининг икки буюк китобини ёзди. Биринчи китоби “Асрорул балоға” бўлиб, ташбеҳ, мажоз ва истеора каби баён илмлари баҳсини кенг тарзда ўз ичига олган. Иккинчи китоби эса, “Далоилул эъжоз” бўлиб, кўпроқ унда илмул маъоний тўғрисида баҳс юритилган.

Ушбу даврдаги энг кўзга кўринган уламолардан бири Абу Яъқуб ас-Саккокийдир<sup>24</sup>. У ўзининг “ал-Мифтах” китобини ёзиб, бир қанча қисмларга бўлган. Учинчи қисмини балоғатга ажратган. Ва ушбу учинчи қисмни уч қисмга бўлиб, биринчи қисмида “маъоний”, иккинчи қисмида “баён” ва учинчи қисмида “бадиъ” тўғрисида сўз юритган. Мана шу сабабли ҳам балоғат илмлари ва ундаги барча илм баҳслари батафсил тарзда ажраган.

Балоғат фанининг ёзилиш босқичларини муҳим бир поғонасини ал-Хатиб ал-Қазвиний ҳам ўзининг “Талхисул мифтах” ва “ал-Ийдох” асарлари билан эгаллайди.

Ҳар қандай тилнинг ўз грамматик қурилиши, грамматикаси, унинг ўз тартиб - қоидалари бор. Бу қоидаларнинг шу тилда тузилган нутқ учун аҳамияти беқиёс. Балоғат (нотиклик) арабларнинг нутқига хослиги, бундай нутқ техникаси араблар учун фазилат эканлигини баён этади. Араб нутқида

---

<sup>21</sup> Ал-Ҳасан бин Абдуллоҳ бин Саҳл бин Саъид бин Яҳё бин Михрон ал-Аскарӣ, Абу Хилол. (000-395 ҳ. 000-1005 м). Адабиётчи олим, шоир. Фикҳ ва тафсир борасида ҳам машҳур бўлиб, китоблар таълиф қилганлар. Луғат борасида “Талхис”, “Мўъжам” китоблари шеърят борасида “ас-Синоъатайни” китоблари мавжуд. Қаранг: ал-Аълам лиз-Зириклий. 2-жуз. 196-бет.

<sup>22</sup> Ҳасан бин Рашиқ ал-Қийрувоний, Абу Али (390-463 ҳ. 1000-1071 м.) Мағрибда туғилганлар. “аш-шузуз фил луғат”, “Шарҳу муватто Молик”, “ал-Умда фи синоати шеър ва нақдиҳи” каби китоблар муаллифи. Қаранг: ал-Аълам лиз-Зириклий. 2-жуз. 191-бет.

<sup>23</sup> Абу Бакр Абдулқоҳир бин Абдурраҳмон бин Муҳаммад ал-Форисий ал-Журжоний. (400-471 ҳ. 1010-1078 м.) асли Форслик бўлиб, Журжонда туғилган ва шу жойда вафот этган. Араб тили ва балоғатининг етук уламоларидан. “Ат-тазкира”, “ал-жумал”, “ал-авомил ал-мия”, “ат-такмила” каби асарлар муаллифи. . Қаранг: “ал-Мавсуъа ал-арабия алаламайя” 1-жуз.

<sup>24</sup> Юсуф бин Абу Бакр бин Муҳаммад бин Али ас-Саккокий ал-Хоразмий ал-Ҳанафий Абу Яқуб Сирржиддин. (555-626 ҳ. 1160-1229 м). Араб тили ва адабиётининг олимларидан. Хорзамда туғилиб шу жойда вафот этган. “Мифтахул улум”, “Рисола фи илмил мунозара” асарлари муаллифи. Қаранг: ал-Аълам лиз-Зириклий. 8-жуз. 222-бет.

балоғатнинг мавжудлиги «Қуръон» тарғиботида муҳим аҳамият касб этади. Балоғат араб нутқининг зийнатидир.

Араб балоғат илми Европа филологик фанларидаги *риторика* ва *стилистика* фанига тўғри келади. Балоғат илми жоҳилия давридаёқ шаклланиб, дастлабки асар IX асрда Абдуллоҳ ибн Муътазз томонидан ёзилди. Кейинги олимлар эса уни турли услублар билан ўрганишга ҳаракат қилдилар, аммо бирор қондасини ўзгартира олмадилар. Яъни балоғат илми XII асрда камолига етган эди<sup>25</sup>. Гарчи эрамиздан аввалги III асрда Юнонистонда Аристотел томонидан риторика номи билан стилистика фани яратилганига қарамай бу илм европада анча кеч шакллана бошлади.

Ўзбек тили стилистикасига келсак, у XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб рус стилистикаси асосида шаклланади.

Муайян шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг (масалан олимлар, косиблар, деқонлар ва ҳоказо) фикрини ифодалашда қўллайдиган ўз услуби ўзига хос таъбир воситалари мавжуд. Стилистика илми мана шу услубларнинг умумий қонун-қоидаларини ўрганади.

Маълумки, арабларда тилшунослик илми ўзига хос тарраққиёт босқичларини босиб ўтди. Исломдан илгариёқ ўз фикрларини гўзал иборалар билан ифода этган араб халқи, ислом дини таъсирида маънавий юксалди. Исломгача давр араб оғзаки ижодида турли бадиий тасвир воситаларидан моҳирона фойдаланиб келинган. Ана шу даврданок дастлабки адабий тил ва бадиий тасвир қоидалари шакллана бошлаган. Бу ҳақда Ал-Жоҳиз ўзининг “Ал-Баён ва ат-Тибён” (“Баён ва изоҳлар китоби”) асарида батафсил маълумот беради. Аммо IV ва V асрлардаги сўзамол фасиҳ арабларни ўзининг бетакрор бадиияти билан лол қолдирган илоҳий дастур “Қуръони Карим” ушбу илмни чуқурроқ тадқиқ қилишга мажбур этиб қўйди. Шунинг учун ҳам, бу мавзудаги дастлабки асарлар Қуръон тафсирлари бўлди.

---

<sup>25</sup> Крачковский И. Ю./ Избранные сочинения. М.-Л.: “Наука”. 1960. Т. 6- Б. 172.

Араблар бу илмни “Ал-Балаға” деб атадилар. Бу сўз “балаға” феълининг масдари бўлиб, етмоқ, эришмоқ маъноларини беради. Масалан: - Фалончи муродига етди”.

Фан сифатида эса “Балоғат” деганда гап, унинг таркибий қоидалари ва сўзловчининг сифати назарда тутилади. Балоғат илмига яна луғатларда - нотиклик санъати назарияси ва сўзамоллик маънолари ҳам берилган.

Балоғат илмининг уламолари бу илмни уч таркибий қисмга ажратганлар:

1. **“Илм ал-Маъоний”** - Гап ва бирикмалар тузиш қоидалари ва турли бирикмаларнинг маънолари ҳақидаги илм. Айни шу илмни, худди шу жиҳати билан стилистиканинг ўзи деса бўлади.

2. **“Илм ал-баён”** - Мақсадни изоҳлаш ва тушунтириш учун гапни турли воситалар билан ифодалашнинг қоида ва усуллари.

3. **“Илм ал-бадийъ”** - бадийлик - образлилик деб аташ мумкин;

“Маъоний илми”га фан сифатида биринчи бўлиб, юртдошимиз Абдулқоҳир Ал-Журжонийнинг (471 - ҳижрийда вафот топган) “Асрор ал-балоға” (“Балоғат илмининг сирлари”) китоби билан асос солинган. Кейинчалик яна бир бобакалонимиз Маҳмуд Аз-Замахшарийнинг (1075 - 1144 мелодий) “Ал-Кашшоф” деб номланувчи Қуръон тафсири билан ушбу илм тақомилига катта ҳисса қўшилди. Яна бир мовароуннаҳрлик аллома Абу Йаъқуб Юсуф ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Ас-Саккокийнинг (вафоти 626 ҳижрий) “Мафаатих ал-уълум” (“Илмлар қалити”) китобида бу илм қамолига етган.

Ушбу изланишимиздаги “Балоғат” ва “фасоҳат” илмларига тааллуқли барча лозим бўлган қоидалар **Аҳмад Ал-Хошимийнинг “Жавааҳир ал-балаага фи ал-маъани ва ал-баён ва ал-бадийъ” асаридан олинди.** Сабаби, ушбу асар талаба ва мударрислар учун мўлжаллаб ёзилган бўлиб, Балоғат илмининг барча асосий қоидаларини қамраб олган, шунингдек, унинг асримизда ёзилганлиги мазкур китобни тўлиқ тушуниш имконини беради. Ушбу асар бир неча бор турли давлатларда нашр этилган.

Асарнинг биринчи босмаси Қоҳирада чиққан. Биз унинг Байрутнинг “Дар ал-кутуб ал-илмия” нашриётида чоп этилган олтинчи нашридан фойдаландик.

Балоғат илми ривож тарихида Абдулқоҳир ибн Абдурахмон Журжоний алоҳида ўрин эгаллайди. Олимнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар кам учрайди. Аммо унинг қадимги Табаристон ва Хуросон оралиғида жойлашган Журжон шаҳрида туғилгани маълум бўлиб, баъзи манбаларда бу шаҳар ҳаробалари Орол денгизи шимоли, яъни Қорақалпоғистон Республикасида жойлашгани айтилса, бошқаларида эса ҳозирги Ургенч деб кўрсатилган. Журжоний ўз даврининг йирик тилшунос олими Абу Ҳусайн Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Форсийдан тилшуносликка оид масалаларни чуқур ўрганиб, етук фақиҳ олим бўлиб етишди. Кўпчиликка таниш бўлган нахв илмига оид “ал-авамилу ал-миату” рисоласи ҳам Журжоний асарларидан биридир.

Балоғат илми Журжонийгача қатъий таркибий қисмларга ажратилмаган эди. Олим уни барқарор таркибий қисмларга ажратиб, мавзу ва чегараларини мукамал тарзда белгилаб берди. Маоний илми назариясини “Далаилул иъжаз” баён илми назариясини эса “Асралул балаға” асарларида батафсил ёритган бўлса-да, лекин бадиъ илми мавзулари билан деярли шуғулланмади.

У “Далаилул иъжаз” муқаддимасида баён илмига қуйидагича таъриф беради: “Сен мустаҳкам асос, бири иккинчисидан устун қисмларга эга, янги узилган мева атиргулдек ёқимли, чарақлаётган юлдуз каби илмни тополмайсан. У баён илмидир. Агар шу илм бўлмаганида тилнинг дур мисол жилоси, бадиъий бўёқлари, болдек тоти гул иси каби муаттар сеҳрини ҳис қилмас эди. Унинг шарофати билан фикрни нақадар гўзал ифодалаш мумкинлигини биласан”<sup>26</sup>. Ҳақиқатан ҳам баён илмида фикрни турли бадиий бўёқларда шаклан ва маънан гўзал ифодалаш услублари ўрганилади. Журжонийнинг фикрича баён сўзи фасоҳат ва балоғат тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, яхлит бир бутунликни ташкил этади. Шунинг учун у баён илмининг ташбеҳ, мажоз, истеъора ва киноя мавзулари асосида назм

назарияси, яъни маоний илмининг қонуниятларини алоҳида қисмга ажратиб олади. Мазкур асарида сўз ва маънонинг фасоҳат ва балоғат талабларига мувофиқ танланишига кенг тўхталди. Журжонийнинг фикрича баён сўзи фасоҳат ва балоғат тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар яхлит бир бутунликни ташкил этади. Журжоний бадиъ илми мавзулари билан эса деярли шуғулланмади.

Балоғат илми ривожига ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик олимлардан яна бири Муҳаммад ибн Умар ибн Хусайн ибн Ади абу Абдуллох Фахруддин Розийдир. У тахминан 543/544 ҳижрий йилнинг Рамазон ойида, ҳозирги Эрон ҳудудидаги Рай шаҳрида туғилган. Илк сабоқни отаси ва шаҳардаги етук мутакаллимлардан олди. Отасининг вафотидан сўнг илмини чуқурлаштириш мақсадида Хоразмга сафар қилади. Бу ерда кўпгина олимлардан таълим олиб, олим сифатида танила бошлайди. 580-ҳижрий йилнинг охирларида Бухорога боради. Бир муддат яшагач, Самарқанд, Хўжанд, Банокат, Марв, Ғазна ва Сарахс каби шаҳарларда, шунингдек, Ҳиндистонда ҳам таҳсил олган. Умрининг охиригача Хиротда, яшаб илм билан шуғулланади, 606-ҳижрий йилда вафот этган.

Розий ўзининг фалсафий ва диний билимларини озарбайжонлик устози ҳаким Абу Муҳаммад Жабалийдан, фикҳ илмини эса Валид Муҳиддин Қозидан ўргангани маълум.

Розий яшаган барча юртларда фалсафа, илоҳиёт, наҳв, адабиёт, тарих, кимё, табобат каби илмлардан дарс берган. Унинг машҳур шогирдлари қаторида Афдалуддин Хунажий, Шамсуддин Хуий, Насируддин Абхарий, Наждмиддин Кубро каби 23 та тарихий шахсларнинг номлари саналади.

Розийнинг балоғат илмига оид юқоридаги асарларининг бир нечта қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улардан Искандария кутубхонасида 1 нусха, Мисрнинг бошқа кутубхоналарида яна 3 нусха, Британия музейида 1 нусха, Кембрижда 1 нусха, Дублин ва Истамбулда ҳам бир неча нусхаси сақланмоқда. Аввал айтиб ўтганимиздек бизда эса 1899-йилда Қоҳирада нашр қилинган нусхаси мавжуд.

Балоғат илми тарихида Ўрта осиёлик аллома бу Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий аз-Замахшарий алоҳида ўрин тутади. У ҳижрий 467-йил Ражаб ойининг 27 кунида (милодий 1075 йил 19 март) Хоразм воҳасидаги Замахшар қишлоғида туғилган. Унинг болалик ва ўсмирлик даври Султон Абул Фаттоҳ Маликшоҳ даврига тўғри келди.

Замахшарийнинг камолот босқичига кўтарилишига тил, луғат ва адабиёт соҳасида танилган олим “Фарид ал-аср” (асрнинг буюк олими) лақабига сазовор бўлган Абу Мудар ибн Жарийр ад-Даббий ил-Исфохоний алоҳида ўрин тутгани маълум. У бу олимдан фақатгина илм олмади, балки унинг илмий йўналишлари ва тадқиқот усуллари ҳам ўзлаштирди.

Саккокий: У Абу Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр улуғ имом, етук олим, фақатгина балоғат илми эмас, балки бошқа илмларга ҳам қизиққан. У мантиқ, фалсафа ва илми каломда ҳам танилган аллома бўлган. Шунингдек адабиёт, шеър ва арузнинг ҳам кенгайишига ўз ҳиссасини қўшган.

Унинг турли илм ва адабиётни билишга уриниши у кишининг ўзидан олдингиларга нисбатан катта маҳорат ва истеъдод эгаси бўлганлигига гувоҳлик қилади.

Бундан ташқари, “Мифтаҳ ал-Улум” китобининг муаллифи дейишнинг ўзи у кишига нисбатан фахр-ифтихор уйғотади. Юқорида зикр қилганимиздек, бу китобда араб тилига оид илмларни уч қисмга тақсимлаганлар. Шундан биринчи қисми балоғат илмига бағишланиб, у илми маъоний, баён ва бадиъларни ўз ичига олади. Шундан кейин хотима боби ҳам берилган.

У кишининг туғилганидан бошлаб то илм олишни бошлаган пайтларигача ва у кишига илм берган устозлари ҳақида маълумотлар сақлаб қолинмаган. Фақатгина ҳижрий 554-йилда туғилиб, 626-ҳижрий йилда Хоразмда вафот этганликлари ҳақида маълумот етиб келган. Шунингдек, у киши шеър ва адабиётни қаттиқ севган бўлсалар ҳам, шеърини ёки адабий асар ёзиб қолдирмаган.

## 1.2 Илм ул-маъоний (маънолар илми) ва илм ул-бадиъ

Араб тилидаги балоғат илми: фасоҳат ва балоғат деган икки қисмга бўлинади. **Фасоҳат** дастлабки босқичда ўрганиладиган мавзу бўлиб, гап ёки сўзни грамматик қонун-қоидалар асосида тўғри тузишни ўргатади.

**Фасоҳат:** Луғатдаги ўзаги (Ф С Х) ҳарфларидир. Аввалда арабларнинг асосий ҳожатларига мансуб нарсага қўйилган илм эди. Уларнинг ҳаётларида чорвалар муҳим ўринни ташкил этгани учун уларнинг жунлари, жун остидаги майин юнглари ва сочларидан ўзларига кийимлар тўқийдилар. Гўштларини ейдилар ва меҳмонларига таом тайёрлаб сутларидан ичадилар. Аллоҳ Таоло шундай марамот қилади:

(Наҳл:66)

*Дарвоқе, сизлар учун чорва ҳайвонларида ҳам ибрат бордир; сизларни уларнинг қоринларидаги нажосат ва қон ораларидан чиқувчи, (лекин) ичувчилар учун иштаҳали тоза сутдан ичирурмиз<sup>27</sup>.*

(Наҳл:80) *Аллоҳ сизлар учун ўзи яратган нарсалардан соя жойлар (бунёд) этди ва сизлар учун тоғлардан бошпаналар қилди ҳамда сизлар учун иссиқ (ва совуқ)дан асрайдиган кийимлар ва сизларни (турли) хавфдан сақлайдиган совутлар яратди. (Имон келтириб) мусулмон бўлурсиз, деб У сизларга ўз неъматини шу тарзда мукаммал етказиб туради<sup>28</sup>.*

Араблар чорвалардан соғиб олинган сутга нима учун шу исмни қўйганларидан ажабланмасак ҳам бўлади. Чунки сут соғилаётганда унинг кўпиги кўтарилиб қолади. Сут ўша ўзидаги аралашиб кетган кўпикдан ҳоли бўлганда эса “фасих” деб аташган. Яъни ўзида аралашган, хира қилиб турган кўпикларидан ҳоли бўлиб, сутнинг асли ўзидан бўлмаган нарсалар кетганлиги учун “сут тоза бўлди” дейишган.

Шунингдек, яна бу сўз “зоҳир бўлиш”, “билиниш” маъноларига

---

<sup>27</sup> Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент. Тошкент Ислом университети. 2004. 274-б.

<sup>28</sup> Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент. Тошкент Ислом университети. 2004. 276-б

далолат қилган нарсага ҳам ишлатилган. Яна “баён бўлиш” ёки бирор нарсанинг оғирлаштириб, хира қилиб, унга аралашиб турган нарсалардан тозаланишига ҳам ишлатишган.

Бундан кейин фасоҳат сўзи – маъносини зоҳир очик билдираётган гапга ҳам ишлатилиб, айтилаётганда тилга енгил ва бу гап қаратилган кишининг қулоғига ҳам ёқимли бўлган гапларга нисбатан қўлланди.

Шундан кейин фасоҳатни гапдаги ўрни ва шартлари ўрганиладиган ўзига хос бир бўлим пайдо бўлди.

Балоғат бир сўз доирасида чегараланган бўлмаган. Кейинчалик бу сўзнинг майдони кенгая бошлаган бўлса ҳам, унинг соҳаси биттадир. Бу ўринда унинг бу таърифлари билан шуғулланиб ўтиришга ҳожат йўқ. Чунки у таърифлар кўплаб китобларда тарқалиб кетган. Бундай таърифлар кўпроқ Жоҳизнинг “Ал-баён ва ат-табйин” китобидан олинган.

Маълумки, энг бошида балоғат ва фасоҳат икки хилдаги асосга қўйилган бўлган. Фасоҳат иборага аралашиб қолган кераксиз иллатлардан тозаланишга қўйилган, балоғат эса шу иборани ниҳояга етишига қўйилган. Демак, аввалда бу икки сўз бир-биридан бошқа-бошқа эди, лекин вақт ўтган сари ҳар иккала сўз ҳам кенгайиб, ривожланишда давом этиб, яхши сўз ва жумланинг сифатларига айланишди. Балоғат, фасоҳат, бароат<sup>29</sup> ва бадиъ<sup>30</sup>, буларнинг барчаси битта нарса – у ҳам бўлса, гўзал, тўғри, ҳеч қандай айби бўлмаган гапга далолат қилади.

1) **Маъоний илмида** эса - Мазмунига кўра рост ёки, ёлғон бўлиши мумкин бўлган ва айтилсада воқеликдаги мавжуд ҳолатни ўзгартирмайдиган гапга *дарак гап* дейилади. Масалан: - “Илм фойдалидир”. Бу ерда илмнинг манфаатли эканлиги ҳақида хабар бериляпти. Бу хабар билан воқелик ўзгариб қолмайди. Ушбу хабар айтилса ҳам, воқеликда илмнинг манфаатли эканлиги мавжуддир.

---

<sup>29</sup> " Бароат" – санъат, усталик, билимдонлик.

<sup>30</sup> " Бадиъ" – безаш, чиройли қилиш.

Юқорида зикр қилганимиздек, “Маъоний илми” гап тузиш қоидалари ва уларнинг мазмунлари ҳақидаги фан экан, бу борада асосий эътибор сўзловчининг мақсади ва тингловчининг ҳолатларига қаратилади. Шу сабабдан ҳам мазкур илм уламолари гап икки асосий мақсаддан бирида айтилади деб ҳисоблайдилар.

1. Тингловчига гап мазмунини етказиш мақсади. Бу ҳолатда тингловчи гап мазмунидан мутлақо беҳабар бўлади. Масалан: - Амир келди. Ана шундай дарак гапга “фоида ал-хабар” дейилади.

2. Тингловчи сўзловчининг айтаётган гапидан хабардор. Сўзловчи эса ўзининг хабардор эканлигини билдириш учун ушбу гапни айтади. Масалан: Сўзловчи тингловчининг араб тилини билишидан хабардор. Бироқ тингловчи унинг бундан воқиф эканлигини билмайди. Шунда у: - Сен араб тилини биласан - дейиши мумкин. Бундай гапга “лазим ал-фоида” дейилади.

*Булардан ташқари, асосий бўлмаган мақсадларда ҳам дарак гап ишлатилиши мумкин:*

1. Раҳм шафқат тилаш мақсадида: - *Мен Парвардигоримнинг мағфиратига муҳтожман.*

2. Бирон ҳаракатга ундаш мақсадида: - *Доно билан нодон баробар эмасдир.*

3. Заифлик ва кўрқувни изҳор қилиш мақсадида: - *Парвардигоро, менинг суякларим муртлашди.*

4. Хасрат ва надомат: - *Парвардигоро, мен қиз кўрибман.*

5. Хурсандчилик мамнуният мақсадида: - *Ҳақиқат (яъни, Ислом) келди ва ботил (яъни куфр) учиб, йўқолди.*

6. Огоҳлантириш ва танбеҳ мақсадида: - *қуёш чарақлаб турибди-ку.*

7. Даражалар орасидаги тафовутни кўрсатиш мақсадида: - *биладиганлар билан билмайдиганлар баробар бўлмас.*

Сўзловчи хабар айтаётганида тингловчининг қай ҳолатда эканлиги ҳам, юқорида айтганимиздек, асосий аҳамиятга эга омилдир. Гапнинг балиғ

бўлиши учун буни ҳисобга олиш шарт. Гап айтилаётган вақтда тингловчи қуйидаги ҳолатлардан бирида бўлиши мумкин:

1. Гап мазмунидан мутлақо беҳабар. Бундай ҳолатга “ҳолий аз-зиҳн” (ақлдан ташқарида) дейилади.

2. Тингловчи гап мазмунини билади, аммо, шубҳаланиб унинг ростлигига ишонмаётган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатга “мутараддид” дейилиб, гапни бирон таъкид воситаси билан таъкидлаб ифода этиш маъқул бўлади. Масалан: - *Шубҳасиз, у дарсга боради* . Бундай хабарга - “хабар талабий” (лозим бўлган хабар) дейилади.

3. Тингловчи сўзловчининг гапидан хабардор, аммо, уни бутунлай инкор қилади. Бундай ҳолатга “мункир” дейилади. Бунда бир нечта таъкид воситалари ишлатилиши лозим бўлади. Масалан: -*Албатта, сен Ўзинг илму ҳикмат соҳибсан.*

Бундай хабарга “хабар инкорий” (инкор қилинган хабар) дейилади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, таъкид воситалари дарак гапларда тингловчи “мутараддид” ёки, “мункир” бўлган ҳолатларда ишлатилар экан. Булардан ташқари, жумлани чиройли ифода этиш, унга бадий бўёқ бериш мақсадида сўзловчи тингловчининг ҳолатини ўз тасаввурида ўзгартириб, гапда таъкид воситаларини ишлатиши мумкин. Масалан “ҳолий аз-зиҳн” ҳолатдаги тингловчини “мутараддид” ёки, “мункир” деб тасаввур ҳилиб, ёки, аксинча, жумла тузиши мумкин.

2) Энди **Илми бадиъ** ҳақида тўхталадиган бўлсак, айтилишича бу борада махсус китоб ёзган киши аббосий халифа Абдуллоҳ ибн Мўътазз бўлган. Бу киши 296-ижрий йилда вафот етган. Бу кишидан олдин шоирлар ўз шеърларида иститрод (мавзудан четга чиқиш, чекиниш) йўлида ёзишган, илми бадиъдан бўлган мисолларни келтиришган. Ибни Муътазз эса бу шеърларни бир турга жамлаган ва ўз китобида шундай деган: “Мендан олдин бирор киши балоғат илмининг йўналишларини умумлаштирган эмас. Мендан олдин бунга алоҳида эътибор қаратган муаллиф ўтмаган. Ким бизнинг китобга эргашишни ва биз ихтиро қилган нарса билан кифояланишни яхши деб билса, шундай қилсин. Яна кимки жумладаги гўзалликларга яна қўшимча

қўшиш керак деб ўйласа у ҳам билганини қилсин”.

Мазкур бобда ижод қилган олимлардан бири Қудома ибн Жаъфардир. Бу киши ҳам илми бадиъдан 20 та турни жамлади. У 20 турдан 7 таси Ибни Мўътазнинг турлари билан бир ҳил бўлса, қолганлари билан 13 тасини эса Ибни Мўътаз жамлаган 17 тага қўшиб қўйди. Улар иккови жамлаган турлар 30 тадан иборат бўлади. Бу ўша асрда жамланган энг кўп тур сирасига киради.

Бу илм Аббосийларнинг даврида алоҳида ажралиб чиқиб, бобларга бўлинди ва батафсил ёритилди. Бу илмга биринчи бўлиб шайхул-балоғо тахаллусини олган имом Абдул-Қоҳир, “Далоилу ал-Иъжоз” ва “Асрору ал-балоғо” китобларининг соҳиби ўз эътиборини қаратди. Шунингдек, бу киши бу илм масалаларини жамлаб, уларнинг бир турлиларини бирлаштирган. Балоғат қоидаларини ўрнатиб, уларни бобларга бўлган, сўнг уларни чиройли қилиб тартиблаган ва бу борада юқорида зикри ўтган икки китобни ёзган.

Бу ҳолат токи хоразмлик Абу Яъқуб Юсуф Саккокий (626-. да ваф.), ўзининг “Мифтахул улум” китобларини ёзмагунларича шундай давом этди. Муаллиф ўз китобларини 3 қисмга ажратиб, 3-қисмда Маъони ва баён масалаларига кенг ўрин беради. Бу нарсa ўзи тўғрисида шундай дейишига олиб келди: “Аллоҳнинг тавфиқи билан мен ўзим истаган нарсамга эришдим”.

Бу изланишда Саккокийнинг тутган йўли Абдул-Қоҳирникидек бўлмади. Бу бахсларнинг ўртасини ажрата оладиган чегараларни қўйиб қўйди. Муқтадога Мутобақа қоидасининг мос келишини Маоний илми билан хослади. Баён илми билан ҳар-хил йўллардаги бир маъно ирода қилинадиган нарсага тааллуқли нарсаларни хослади.

Мутобақанинг мос келишидан ва далилларнинг очиқ-равшан келганидан кейин каломни безатиш ва унга тааллуқли масалаларни Бадиъ исми билан атади.

Абдул Қоҳир келтирган мажмуа бир услубда ва бир мавзу остида эди. У фасоҳат ва балоғат ширинлик жиҳатидан арабий каломдир.

Бу китоб балоғат илмининг энг олий чўққиси ҳисобланади. Агар Абдул Қоҳир қўллаган сўзларнинг ибораси қўпол бўлса ҳам лекин итноб(гапнинг чўзилиб кетиши)дан ҳолидир. Шунингдек, ўхшашлик ва мисолларни кўпайтириш билан чўзиб юборилмаган.

Шу билан бирга, бу изланишни гўзал услубда тартиблади, чиройли бобларга бўлиб, навларини белгилаб, аниқ қилиб қўйди. Бу билан ундан кейин яна бошқа нарсаларга қарашликка жаҳд қилишдан қочди.

Чунки у масалаларни бир-биридан ажратиш, баён қилганимиз каби изланувчиларга йўллар ёритилганидан бу соҳани ўрганиш жиҳатидан улуғ бир асардир.

Аксар балоғат уламолари наздида имом Саккокий балоғат илмининг асосчисидир. Саккокийдан сўнг балоғат илми ўзи мустақил соҳа сифатида қоим бўлган, мавзуларга ажратилган, методлари(услублари) аниқ-равшан, манбаси яқин, самарага тўла бўлди.

Сўнгра у кишидан кейинги олимлар балоғат қоидаларига бирор янгилик қўшишга қодир бўла олмадилар. Шунингдек, улар бу шайхнинг китобидан мухтасарроқ бир китобни ёки ундан кенгроқ шарҳини ёза олмадилар.

Бу ўринда ғаройиб жиҳат шуки, балоғат илми билан шуғулланганларнинг катта қисмини ажам олимлари ташкил қилди. Ёки ўзининг асл тилида гаплашишга қийналиб қолган араблардан чет тил шеваларини қабул қилганлар ташкил қилди. Шунингдек улар балоғатни нозикликда мантиқ ва фалсафа билан бирга юради, деб ҳисоблашиб, шу услубдаги балоғат китобларини ёзишди. Бунинг натижасида балоғат илми мураккаблашиб қолди. Энди балоғат илми балоғат ва фасоҳат билан гапира олишни тарбиялашга ёрдам бериш ўрнига бу хислатлар пайдо бўлишига тўсиқ бўлди ва ирода қилган нарсага етмасдан ўзгариб кетди. Бу ҳақида доктор Алий Муҳаммад Ҳасан шундай дейди:

“Биз эса бундай китоб соҳибларини бу учун айбламаймиз ва уларнинг даражаларини паст санамаймиз, Аллоҳ Таоло уларга берганча ва йўлга солган микдорда жидду-жаҳдларини сарфлашдан эринмадилар, деб ишонамиз. Бундан ташқари биз ўтган олимларда бўлган фазлларини эътироф этган ҳолда улар ёзган нарсалардан қониқмаслик пайдо бўлмаслиги учун уларни ўзимизга яқинлаштириш вожиб бўлади.”

Бу ўринда биз айтишимиз керак бўлган нарса шуки, китоблардаги қоидаларни ёдлашнинг ўзи билан балоғатли бўлиб қолмаймиз. Балки бу борадаги малакани ҳосил қилиш ҳам лозимдир. Уни ҳосил қилиш эса яна қўшимча тарзда адабий асарларни ўқиш ва улардаги билимларни ўзлаштиришдир<sup>31</sup>.

IV ҳижрий аср бошларида тилшунослар махсус ишларни амалга ошира бошладилар. Абу Аъло Форсий ва унинг шогирди Ибн Жаний тил ва унинг сир-асрорини ўргандилар, шунингдек фасоҳат ва балоғат талаблари ҳақида ҳам бир қадар изланишлар олиб бордилар.

395-ҳижрий йилда вафот этган Аҳмад ибн Форис “Маъони ал-калам” номли асарида гапларнинг хабар (дарак гап), амр (буйруқ), наҳий (таъқиқ), таманний (орзу-истак), таҳдид (авраш), таажжуб, дуо каби ўн тури устида фикр юритади ва бундай гапларнинг ҳар бири асл маъноси билан бир қаторда қўшимча мазмун ҳам ифодалаб келиши мумкинлигига ишора қилади. Аммо қўшимча маъно ифодалашини таҳлил этмади. Унинг бу асари кейинчалик балоғат илми ривожига улкан ҳисса қўшган Абдулқоҳир Журжонийнинг “Далаилу ал-ийжаз” асарида гап турлари ва уларнинг мазмуни мавзусига асос бўлди. Гапларнинг қўшимча маъно ифодалаб келишига Ибн Форис фақат грамматик нуқтаи назардан ёндашган бўлса, Абдулқоҳир Журжоний уни балоғат фанининг маъоний илми (стилистик синтаксис) асосида таҳлил қилганини таъкидлаш ўринлидир. Кейинги давр олимлари эса шу асосда маоний илми қоидаларини ишлаб чиқдилар.

---

<sup>31</sup> Шайх Ҳомид Айний. “Ал-манҳаж ул-Бозих”. Миср. Дорул китоб. 1953.

Тилшунос ва файласуфлар мактаби билан бир қаторда мутакаллимлар мактаби вакиллари ҳам араб адабиёти, хусусан, балоғат илми шаклланиб ривожланишида жуда кўп ишларни амалга оширдилар. Мутакаллимлар араб тили ва адабиётининг ривожланиш босқичлари ислом динининг араб адабиёти назариясига таъсири, арабларнинг психологик хусусиятлари каби ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда фасоҳат ва балоғат талабларини ишлаб чиқдилар. Мутакаллимлар қаторига машҳур энциклопедист олим Абу Усмон амр ибн Баҳр Жоҳизни киритиш мумкин. У тахминан 775-776 милодий йилда туғилиб, 868-йилда вафот этган. Жоҳизнинг ҳаёти ҳақида батафсил маълумот кам, ижоди билан европалик олимлар кўп қизиқмаганлар. Бизнингча, бунинг сабаби унинг фикрни баён қилиш услуби мураккаблиги ва уларни тизимли тарзда беришга эриша олмаганидир. Асарларидаги бир детални тушуниш учун уни тўлалигича бир неча бор диққат билан ўқишга тўғри келади.

Жоҳизнинг жами 41 асари мавжуд. Адабиёт назариясига янгилик олиб кирган “Китаб ал-баян ва ат-тибьян” (ЯКЗИ 36ИнЗд ж 36КИннд) асаридир. Жоҳиз 4 жилддан иборат бу асарида араб адабиёти тарихида илк марта балоғат илмига оид дастлабки қараш ва мулоҳазаларни келтирган. Аммо шу мавзуга бағишланган махсус рисола IX асрда яшаб ижод этган шоир, мутафаккир Абдуллоҳ ибн Муътаззнинг “Китаб ал-бадиъ” (ЯКЗИ 36ИПнЪ) асари ҳисобланади. 274-ҳижрий йилда ёзилган мазкур китобда жоҳилия даври ва илк ислом даврида вужудга келган адабиётлар, хусусан, Қуръон оятлари ва ҳадис матнларида бадий санъатнинг турли шакллари қўллангани таъкидланади. Олим бадиъ илми жуда қадимий илм эканига турли мисоллар келтиргач, қуйидагича фикр билдиради: “Башшор бадий санъатнинг турини кўпайтирган бўлса, Абу Таммом эса улардан кўп ўринларда фойдаланган. Абу Таммомнинг бадий санъат турларидан кенг фойдаланиши ҳатто айрим ҳолларда ўринсиз бўлиб қолган”.

Бу соҳада кейинчалик Абу Ҳилол Ҳасан ибн Абдуллоҳ Аскарӣ (395 .й.да вафот этган) ҳам изланишлар олиб бориб, "ЯКЗИ 36ХдЗЪКнд" (китаб ас-синоатайн) асарини ёзди. Бу асар ҳижрий 384-йил ёзиб тугатилган бўлиб, Европада бир қадар ўрганилган. Муаллиф асарнинг муқаддимасида балоғат

илмини ўрганиш зарурати, Қуръон оятларидаги мўжизаларни тушуниш, тингловчига тўғри ва чиройли эшитиладиган гап тузиш, хато тузилган гап орасидаги фикрлар, тил услубларининг қўлланилиши, сўз ва гапларнинг балоғат талабларига мос келиш шартларини кўрсатиб ўтган. Шунингдек, Жоҳизнинг (Китаб ал-баян ва ат-тибьян) асарининг афзаллик хусусиятларини санаб ўтиб, ундаги айрим камчилик ва чигалликларни бартараф қилиш учун ўзининг (китаб ас-синоатайн) асарини ёзганини эслатиб ўтади. Асарнинг 1-бобида Аскарний балоғат илмининг мавзу ва чегараларини белгилашга ҳаракат қилади. Ундаги 2-бобда тўғри ва хато тузилган гап мақташ ва қарғаш мазмунини ифодаловчи гапларни, 3-бобда эса гап тузиш шартлари гап таркибидаги сўзларнинг ўрнини белгилаш билан бир қаторда турли ёзишмаларни амалга ошириш жараёнида зарур бўладиган қоидаларни ҳам ишлаб чиқди. 4-бобда назм одоби, 5-бобда ижоз ва итнобнинг қўлланиши 6-бобда шеърӣ сатрларнинг турлари, 7-бобда ташбеҳнинг кўринишлари, 8-бобда сажъ усули, 9-бобда бадий санъат турлари ҳақида фикр юритади. Аскарний 6 та янги бадий санъат турини топиб унинг сонини 35 тага етказди.

Аскарний асарларини тадқиқ этган олимлардан Шварц шундай дейди: “У таклиф қилган санъат турларининг номларидан 10 таси Муътаз кашф қилган ном билан, 12 таси эса Қудаманинг киритган бадий санъат турлари билан бир хил. Аскарний Жоҳиз ва Муътаз асаридан кенг фойдалансада, аммо бирорта иқтибос келтирмаган. Балки, аввалги олимларнинг фикрларига фақат танқидий ёндошилган. И. Ю. Крачковский фикрига кўра “Аскарний ушбу асарида Муътаз асарининг ярмидан кўпроқ қисмини кўчириб олган, Қудаманинг асари асосида эса 12 категорияни таҳлил қилгани кўриниб турсада, иқтибос келтирмаган. Асар таҳлил қилинганида ўзининг мустақил фикр-мулоҳазалари камлиги сезилади”.

Кейинги даврда Абу Ҳайян Тавҳидий ва Ҳусрий каби ёзувчилар адабиётшуносликка оид асарлари билан тарихда ном қолдирдилар.

Ҳусрий билан деярли бир вақтда Шимолий Африкада Абул Ҳасан ибн Рошиқ Қийравоний (463 й.да вафот этган) ижод қилди. У билан Аскарний ижод этган вақт оралиғида балоғат илмига оид бошқа асар ёзилмади.

Қийравоний балоғат илмига оид асарини ёзди. Асарга машҳур тарихчи олим Ибн Ҳалдун: “Бу асар бадий санъат соҳасида ягона асар бўлиб, унга ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч ким ортиқча нарса ёза олмаган”, - деб баҳо берган.

Қийравоний сўз ва маънога қуйидагича таъриф беради: “Сўз бу тана, маъно эса танадаги рух, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас, акс ҳолда мазмун бўлмайди”. У вазн ва қофияларга доир фикрни янада кенгайтириб, баҳр ва унинг бўлаклари номланишига оид барча маълумотлар, уларнинг камчиликлари, ражаз ва қасида ўртасидаги фарқни ажратиб кўрсатиш билан бирга бадиҳа иртижол шеър амали каби масалаларга доир фикрларни ҳам кенгайтиради. Асарда балоғат илмига алоҳида боблар ажратиб, унда Жоҳиздан кейинги барча олимларнинг фикр-мулоазаларини тартиб билан кетма-кетликда беради. Ижоз (фикрни қисқа ва лўнда ифодалаш воситаси) масаласини ҳам алоҳида таҳлил қилар экан, унда асосан Румманийнинг фикр-мулоазаларини эътироф этади.

Кейинги бобларда бадиъ илми, бадий санъат турлари ҳақида қайд этиб, бу илмнинг асосчиси сифатида Абдуллоҳ ибн Муътазга нисбат беради ва ибн Қутайбанинг у ҳақида билдирган мулоҳазаларини ёқлайди. Баён илмининг мажоз, истеора ва киноя мавзуларига оид турли намуналарини келтирган бўлсада, уларни шарҳламаган. Қийравонийгача “такрор” деб номланиб келган мавзуни у итноб (фикрни батафсил ифодалаш усули)нинг бир тури деб ҳисоблайди. Шеърийат ва унинг мақсади, унда фойдаланиладиган турларни батафсил ёритгач, танқидий ёндашувга тўхтайди.

Фасоҳат, баён ва бадиъ илми масалалари бўйича Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Саид ибн Сунан Ҳаффажийнинг (466 й.да вафот этган) (китабу сиррул Фасоҳа) асари ҳам мавжуд. Унинг муқаддимасида Ҳаффажий фасоҳат ва балоғат орасидаги фарқларни санаб ўтди. Шу тариқа балоғат талабига жавоб берадиган гаплар “фасиҳ (грамматик жиҳатдан тўғри тузилган) гап” деб ҳисобланиши, аммо ҳар қандай фасиҳ гап балиғ (тўғри тузилган гапнинг вазиятга мос танланиши) гап бўла олмаслигини исботлаб берди.

Балоғат илмининг таркибий қисмларга ажратилиши, унинг мавзу ва чегараларининг белгиланиши Хоразм воҳасининг ўша даврда машхур шаҳарлардан бўлган Журжон<sup>32</sup> шаҳрида туғилиб ўсган етук тилшунос олим Абдулқохир ибн Абдурахмон Журжоний (471 й.да вафот этган)нинг ижодий фаолияти билан боғлиқ. Олим балоғат илмини икки таркибий қисмга ажратиб, биринчи қисмини “Назм” деб номлади. Кейинчалик бу ном “маоний илми”га ўзгартирилди. Иккинчи қисмини “баён” деб номлади. Уларнинг мавзу ва чегараларини белгилаб беришга ҳаракат қилди ҳамда бу илмларга оид фикр-мулоҳазаларини билдирди. Унинг (Асрорул-Балағо) асари баён илмига, (Далоилу ал-Иъжоз) асари эса маоний илмига бағишланган. Бадиъ илми билан эса деярли шуғулланмади.

Кейинги даврда балоғат илми масалалари билан шуғулланганлар орасида 554-ҳижрий йилда Рай шаҳрида туғилган Фахриддин Муҳаммад ибн Умар Розий тадқиқотларини алоҳида эътироф этишимиз лозим. У дастлабки сабоқини отаси ва шаҳардаги етук мутакаллимлардан олди. Фалсафий ва диний билимларини озарбайжонлик устози ҳаким Абу Муҳаммад Жабалийдан ўрганди. Кейинчалик Самарқанд, Бухоро, Сарахс каби шаҳарларда ва Ҳиндистонда таҳсил олганидан сўнг умрининг охиригача Ҳиротда ижод қилди ва 606-ҳижрий йилда вафот этган.

Розий Қуръон тавсифи, фикҳ, калом илми, медицина ва химияга оид катор асарлар ёзган. Аллома Абдулқохир Журжонийнинг балоғат илмига оид “Далаъилу ал-иъжаз” ва “Асрару ал-балағо” асарларини батафсил ўрганиб чиқди. Унинг бу соҳада ишлаб чиққан қонуният далил исботларини таҳлил қиларкан, ҳар икки асардаги энг ноёб фикр-мулоҳазаларни ажратиб, уларни тартиблаштирди ва таҳрир қилди. Ўз фикрларининг исботи учун далиллар келтириб ҳар бир бобдаги ғайриоддий ҳолатларни ажратиб беришга муваффақ бўлди. Фикримизча Розий "ниҳаяту ал-ижаз фи диroyати ал-иъжаз" номли китобида Журжоний асарларидаги фикрларни тартибга солиб таснифлаб бериш билан балоғат илмига ўз ҳиссасини қўшди.

---

<sup>32</sup> Журжон шаҳри ҳаробалри Орол денгизи шимолида, ҳозирги Қорақалпоғистон Автоном Республикасида жойлашган. Айрим манбаларда эса Журжон шаҳри ҳозирда Ургенч деб аталади, деб кўрсатилган.

Балоғат илмининг мукаммал илм даражасига етишида "Ал-кашшоф" асари муаллифи Хоразм воҳасининг Замахшар қишлоғида 467-ҳижрий йилда туғилган Маҳмуд Замахшарийнинг ўрни беқиёсдир. Бу асарда Қуръон оятларини балоғат илми талаблари, аниқроғи унинг энг нозик ва ҳис қилиш қийин бўлган қирраларигача ҳисобга олиб тавсиф қилинган. Шунинг учун бу тафсирга "...Замахшарийгача ва ундан кейин бу тафсир каби мукаммал тафсир ёзилмаган", – деб баҳо берилгани ҳақида Шавқий Дайф қайд этади.

Абдулқоҳир Журжоний балоғат илмини таркибий қисмларига ажратган биринчи олим бўлса, Замахшарий ўша таркибий қисмларнинг мавзуларини янада кенгайтириб Қуръон оятлари асосида шарҳлади.

Замахшарий маоний ва баён илмларини билиш Қуръон тавсир қилишда нечоғлик зарурлигини "Кашшоф" мисолида исботлаб берди. У Абдулқоҳир Журжонийнинг "назм" ёки "услуб" илми деган атамасини рад этиб ўрнига "маоний" илми атамасини қўллади. "Баён" сўзини ишлатишда Журжоний иккиланган бўлса, Замахшарий қатъий ном қилиб белгилаган.

Замахшарий бадиъ илми маоний ва баён илмларига қўшимча эмас, балки алоҳида илм эканини исботлаб, унинг мавзуларини белгилаши, уларни оятлар билан янада бойитиш натижасида балоғат илми уч таркибий қисм: **баён, маъоний ва бадиъ**га ажратилди.

Розий билан замондош бўлган фалсафа, мантиқ, усулул фикҳ, тил ва балоғат илмига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган яна бир олим Сирожиддин Абу Яъқуб Юсуф ибн Муҳаммад ибн Али Саккокийдир. У балоғат илми тарихида уни мукаммал илм даражасига етказган сўнгги олимдир. Академик И.Ю. Крачковский таъбири билан айтганда, "Балоғат илми камолига етишида энг сўнгги нуқта Юсуф Саккокийнинг асарида қўйилган"<sup>33</sup>. Ундан кейин ижод қилган олимлар унга ҳеч қандай янгилик киритмай мавжуд қонун-қоидаларни турли услуб ва мисоллар билан баён этишга уриндилар.

Балоғат илми Саккокийгача бўлган даврда бадиий санъат турлари сифатида шаклланган бўлса, у мантиқий далилларга асосланиб санъат

---

<sup>33</sup> Крачковский И. Ю./ Избранные сочинения. М-Л.: "Наука". 1960. Т. 6- Б. 174.

туридан махсус илм даражасига етказди. Бу илмнинг барча қонун-қоидалари ва назариясини ниҳойи шаклда мантиқий асосга суянган ҳолда қисқа, лўнда, аниқ тизимли махсус тақсим ва кичик бобларга ажратиб берди. Мазкур мавзуни “Мифтахул улум” асарининг 3-бобида батафсил ёритиб берди. Саккокийнинг бу асари айнан балоғат илми боби билан шуҳрат қозонган.

### 1.3 Сўзловчи ва сўз фасоҳати

Балоғат илмида: (сўз фасоҳати, жумла фасоҳати, сўзловчи фасоҳати)

Балоғат илмидаги фасоҳат талабларига кўра, сўз ва гаплар таркибида камчиликларга йўл қўйиш мумкин эмас. Камчиликлардан ҳоли сўз ёки гап танлаш фасоҳатнинг асосий шартидир. Унга кўра, сўз танлаш учун қуйидаги талаблар қўйилади<sup>34</sup>:

1. Ҳарфларнинг бир-бирига мос тушмаслиги, яъни танланган сўз таркибидаги ундошлар талаффуз қилишга осон бўлиши керак. Ундошларнинг махражи бир-бирига яқин бўлиши талаффуз қилишни қийинлаштиради. Масалан: *Туямни янтоқ ейишга қўйиб юбордим* жумласидаги сўзининг талаффузи ниҳоятда қийин. Чунки сўз таркибидаги ва О ундошларининг махражи халқум, е ундошининг махражи эса бўғиз<sup>35</sup> ҳисобланади. Сўз таркибидаги уч ҳарфнинг махражи бир жойда бўлиб, тўртинчи ҳарфнинг махражи эса юқоридаги ҳарфларга яқин жойда жойлашган. Бундай ҳолатда сўзнинг талаффузи нотўғри тус олиб, оқибатда тингловчи бу сўзни тушуна олмайди.

2. **ГОЗБЭЙ ЗБЮНЗУ** – тил қоидаларига зид бўлмаслик, сарф (морфологик) қоидаларга тўлиқ риоя қилиш зарур. Масалан:

*Агар баъзи одамлар давлатнинг қиличи бўлсалар, демак улар орасида унинг карнай ва ногоралари ҳам бор.*

Жумла таркибидаги **ИжЮЗКс** (карнайлар) сўзининг бирлик шакли **ИжЮ** унинг кўплиги аслида **ГИжЗЮ** шаклида бўлиши керак эди, юқоридаги гапда эса унинг шакли нотўғри ишлатилган, бу эса фасоҳат талабларига зиддир.

3. **ЗБЫСЗИЙ** – жуда кам ишлатиладиган, кам учрайдиган, кўпчиликка нотаниш бўлган сўзлардан фойдаланмаслик лозим. Акс ҳолда тингловчи сўзловчининг бундан мақсадини тушунмайди. Мисол учун, бир куни тилшунос олим Исо ибн Умар Наҳвий эшагидан йиқилиб тушиб, бир муддат

---

<sup>3</sup> З. Шарифов. Балоғат фанидан маърузалар матни. Тошкент. Мовароуннахр. 2002. 9-б.

<sup>35</sup> CD Holy Quran.

ерда ётибди, тепасида одамлар йиғилиб қолганини кўрган олим шундай дейди<sup>36</sup>:

ЗЭСдьЮцЪхжЗ Ёбм Рн МдшЙї ЯКЯГЯЖЯг гЗ бЯг КЯГЯГКг Ёбншу  
.Ёбн

*Сизларга нима бўлдики, тепамага ҳудди жинни одамнинг тепасига  
тўпланиб олгандек йиғилиб олдингиз, тарқалинглари!*

Мазкур гапдаги КЯГЯГКг сўзи “ЗМКгЪКг” (йиғилдингиз) ва СдьЮцЪхжЗЗЭ сўзи эса “ЗдХСЭжЗ” (кетинглари) маъносини ифодаловчи кам учрайдиган сўзлардир. Бунга гувоҳ бўлган одамлар “Тезроқ кета қолайлик, унинг шайтони ҳинд тилида гапираркан” деб тарқалишади. Бу воқеани таҳлил қиладиган бўлсак, одамлар “ҳинд тили” деб баҳолашган сўзлари асли ҳиндча эмас, ўз она тилларидаги кам учрайдиган сўзлар қўлланган. Тўпланган одамларга айтилган сўз мутлақо нотаниш бўлгани учун тушунишмаган. Олимнинг бундай гапиришидан мақсад ўзининг тилшунос олимлигини билдириш, деб баҳолашимиз мумкин.

4. ЗбЯСЗеЙ Эн ЗбУгЪ – қулоққа ёқимсиз сўз бўлмаслиги, эшитганда ғашни келтирмайдиган бўлиши керак. Масалан:

ФСнЭ ЗбдУИ ЗбМуСФцншц гИЗСЯ ЗбЗУг ГЫСшх ЗббЮИ ЯСнг

*Муборак исми, обрўли лақаби, саҳоватли қалби, олий насаби билан...*

Жумла таркибидаги ЗбМуСФцншц сўзи ёқимсиз эшитилади.

**Гап танлашда** эса қуйидаги олти шартга амал қилиш талаб қилинади<sup>37</sup>:

1. ЛдЗЭСх ЗбЯбгЗК – сўзларнинг мос келмаслиги, бундай гапларни тез ёки такрор талаффуз қилиш қийин. Асосий сабаб сўзлар бир-бирига ўхшаб кетиши ва махражларининг яқинлигидадир. Бундай сўзлар ёнма-ён ишлатилса, талаффуз қилиш қийинлашади. Масалан:

ж ЮИС НСИт ИгЯЗд ЮЭС ж бнУу ЮСИу ЮИС НСИт ЮИСс

*Ҳарбнинг қабри ташландиқ жойда, Ҳарбнинг қабри яқинида бошқа қабр йўқ.*

<sup>36</sup> 3. Шарифов. Балоғат фанидан маърузалар матни. Тошкент. Мовароуннаҳр. 2002. 11-б.

<sup>37</sup> 3. Шарифов. Балоғат фанидан маърузалар матни. Тошкент. Мовароуннаҳр. 2002. 12-б.

ЮИС (қабр), НСИт (Ҳарб, эркакларнинг атоқли оти), ЮЭС (ташландик жой) ва ЮСИу (яқинида) сўзлари ҳам бир-бирига ўхшаш ҳамда такроран ишлатилаётгани муаммо туғдиради.

Араб тилининг балоғат илмида камчилик ҳисобланган бундай ҳолат ўзбек адабиётшунослигида, кўпинча, тез айтишувларда учрайди ва қусур ҳисобланмайди: “*Ғани гилдиракни гилдиратиб гилдиратди.*” “*Оқ чойнакка оқ қопқоқ, кўк чойнакка кўк қопқоқ*” тез айтишини мисол қиладиган бўлсак, “к” ва “қ” ундошларининг артикулятсия базаси кетма-кетлиги (к - тил ўртаси, қаттиқ танглай, қ - тил орти, юмшоқ танглай), яъни икки ундошнинг талаффуз махражи бир-бирига яқинлиги юқоридаги қийинчиликни юзага келтирса-да, ўзбек филологиясида бундай ҳолат камчилик дейилмайди.

2. ЦБЭ ЗБКГбнЭ – гап таркибида бирорта синтактик ўзгариш бўлиши. Сўзловчи гапини хато деб ҳисобламаса ҳам бўладиган, одатий қоидаларга риоя қилмаган ҳолда ифодалайди<sup>38</sup>. Масалан:

жу бжъ Гдшу гМПрЗ ГОбПу ЗбПеСу жЗНПрЗ гд ЗбдЗУ ГИЮм  
ЗбПеСугШЪгрЗ гуМъПхех

*Агар шону-шуҳрат бирор одамни абадий қилса эди, унинг шону-шуҳрати абадий қиларди Мутимни.*

гуМъПхех – “унинг шону-шурати” сўзи таркибида қўлланган ех (унинг ...и) бирикма олмоши гШЪг – “Мутим” сўзига тегишли бўлиб, отдан аввал келиши синтаксиснинг “бирикма олмошлари аввал зикр қилинган сўзга тобе бўлиб, ўша отдан кейин ишлатилиши зарур”, деган қоидага зид бўлиб қолган. Гап фасоҳат талабига жавоб бериши учун қуйидагича ифодаланиши зарур еди:

жу бжъ Гдшу гМПрЗ ГОбПу ЗбПеСу жЗНПрЗ гд ЗбдЗУ ГИЮм  
гуМъПхех ЗбПеСугШЪгрЗ

*Агар шону-шуҳрат бирор одамни абадий қилса эди, унда Мутимни шону-шуҳрати абадий қилар эди.*

---

<sup>38</sup> 3. Шарифов. Балоғат фанидан маърузалар матни. Тошкент. Мовароуннахр. 2002. 13-б.

3. бЭЩнЗбКЪЮнП Зб – лафзий мураккаблик, яъни гапларни бир-биридан ажратиб олиш мураккаблашиб, тингловчининг маънони тушунмай қолишига сабаб бўладиган ҳолат. Бундай тушунмовчилик сўзнинг асл ўрни ўзгариши ёки қўлланилаётган сўзлар орасида чет тилига хос сўзларнинг ишлатилиши каби ноқисликлар ҳисобига юзага келиши мумкин<sup>39</sup>. Масалан:

ЭГХИНуКъ ИЪПу ОуШ ИеМКцеуЗ ЯГдшу ЮЭъСрЗ СхУхгуеуЗ  
ЮбгрЗ

*Бўлиб қолди...чизганидан кейин унинг ҳовлиси...гўёки..кимсасиз...расмлар... қалам.*

Жумла таркибидаги сўзларнинг ўрни ўзгариб қолгани сабабли маъно тингловчига тушунарсиз бўлиб қолаяпти, аслида гап қуйидаги тартибда бўлиши зарур:

ЭГХИНуКъ ЮЭъСрЗ ИЪПу ИеМКцеуЗ ЯГдшу ЮбгрЗ ОуШ  
СхУхгуеуЗ

*Ҳовли, гўёки қалам унинг кўринишини чизиб бўлгандан сўнг, кимсасиз бўлиб қолгандай бўлди.*

4. ЗбКЪЮнП ЗбгЪджн – маънодаги мураккаблик, бу камчилик одатда сўзловчи бирор сўзни ноўрин танлаши оқибатида тингловчи томонидан нотўғри тушунилишига сабаб бўлади. Сўзловчи тингловчига “Сен ёш болага ўхшайсан” деса, тингловчи унинг гапини қандай тушунишни билмай қолиши табиий. Сўзловчи ёш боладек беғуборликни назарда тутганми ёки ёш боладек аразлашними? Бундай англашилмовчиликка йўл қўймаслик учун арабларда шу каби сўзларнинг қайси маъноси фаол ишлатилишини яхши билиш лозим.

УГШБИ ИхЪПу ЗбПЗС ЁудЯхгъ бцКуЮСИржЗ ж КуУъЯхИх  
ну ЗбПшхгхжЪу бцКуМъгхПуЗЪунъдуЗ

*Уйим сизлардан олис бўлишини сўрайман, яқинлашинг деб,*

*Кўзларим ёш тўксин, қуриши учун...*

---

<sup>39</sup> 3. Шарифов. Балоғат фанидан маърузалар матни. Тошкент. Мовароуннахр. 2002. 14-б.

Байт муаллифи Аббос ибн Ахнаф (вафоти 808 й.) яқинлари билан қайта кўришгач, кўз ёши қуришини назарда тутган. Аммо маънони тушуниб олиш бироз қийинроқ, чунки араб тилидаги бцКуМъгхПуЗ сўзи йиғлагиси келганида, кўзига ёш келмаслик маъносини англатади. Бундай камчиликка йўл қўймаслик учун танланаётган сўзнинг барча маъноларини чуқур ўрганиш талаб қилинади.

5. ЯЛСЙ ЗбКЯСЗС – такрорлашнинг кўплиги. Бу камчилик барча тиллар учун хос бўлган камчиликлардандир<sup>40</sup>.

еуЗж КхУъЪцПхдцн Эн ЫугъСуЙт ИуЪъПу ЫугъСуЙт УуИхжНс б  
ФужуЗецПх еуЗБубунъ еуЗгцдъ

*Мени йўқчиликда ҳам, йўқчиликдан кейин ҳам зотдорлиги ҳақида белгиси бўлган учқур от ҳайратга солади.*

Байтда еЗ олмоши турли кўмакчиларга қўшилиб кетма-кет уч марта такрорланиб ишлатилди. Фасоҳат бундай такрордан қочишни талаб қилади. Агар турли шахс ва сондаги бирикма олмош қўлланилиши зарур бўлса, уларнинг аниқлик даражасига қараб, жойлаштириш зарурдир. Масалан, уни сендан сўрадим - УГбКхЯуех тарзида бўлиши шарт.

ОубКц ЗбИбЗП гд ЗбЫТЗбЙц бнбеЗ ЭГЪЗЦуеЗЯу Зббшуе ЯнбЗ КНТдЗ  
*Юртнинг тунги газаллардан бўшаб қолди,*

*Аллоҳ сен қайғурмаслигинг учун сенга унинг эвазини берди.*

6. Изофа бирикмасининг кўплиги. Бундай камчилик одатда изофа занжирининг чўзилиб кетиши натижасида юзага келади.

Масалан: *Аҳмаднинг амакисининг қизининг ўғли*

*Аҳмад* сўзи аввалги уч сўз билан алоҳида бирикмалар ҳосил қилиши ва маъно фарқли бўлиши мумкин:

Қизининг ўғли

Амакисининг қизи

Аҳмаднинг амакиси.

---

<sup>40</sup> З. Шарифов. Балоғат фанидан маърузалар матни. Тошкент. Мовароуннаҳр. 2002. 15-б.

Юқоридаги камчиликларни барча адабиётларда кузатиш мумкинлигига қарамай, уларнинг бирортаси Қуръон оятлари ва ҳадисларда мутлақо учрамайди.

Фасоҳатда нафақат сўз ва гап танлашга нисбатан талаб ишлаб чиқилган, балки сўзловчига нисбатан ҳам қуйидаги меъёрларга риоя қилиш талаб қилинади:

**Сўзловчи** аввало сўз ва гапларга қўйилган фасоҳат талабларига тўлиқ риоя қилиши керак. Шунингдек, мақташ, қарғаш ёки марсия каби инсоннинг ҳиссиёт ва кайфият ҳолатларини англатадиган гапларни фасоҳатнинг юқорида келтирилган талабларига риоя қилган ҳолда ифодалаш малакасига эга бўлиши зарур. Агар сўзловчи талаб қилинаётган ҳолатни тўғри баён қилолмаса фасих деб ҳисобланмайди.

**Балоғат** деб, *фасоҳатнинг барча талабларига жавоб берган сўз ёки гапнинг ҳолат тақозоси: сўзловчининг мақсади, тингловчининг ҳолати ва вазиятга мос ҳолда, ўз ўрнида ишлатилишига айтилади*. Шундай малакага эга киши “балиғ”, яъни ўз ўрнида ва ўринли сўзловчи ҳисобланади. Балоғат юқори босқич бўлиб, у ўзида кенг ва теран мазмунни қамраб олади<sup>41</sup>.

**Балоғатнинг сўзловчига қўядиган талабига кўра**, сўзловчи ҳар қандай мавзудаги фасих гапни ҳолат тақозосига мослаштириб етказиш малакасига эга бўлиши энг муҳим омилдир. Сўзловчи фикрини турли бадий бўёқлардан фойдаланиб ифодаласа-ю, ҳолатга мослай олмаса, у балоғат малакасига эга эмас – балиғ деб ҳисобланмайди. Масалан, тўйда ўтирган одам бирор нохуш воқеани ёки азага борган одам кеча кўрган ажойиб томошасини гапириб ўтириши мумкин эмас. Чунки вазият бу гапларни айтишга мутлақо тўғри келмайди. Шу ўринда тўтиқуш фасоҳат талабларига жавоб берадиган гапни гапира олишини, аммо у вазиятни ҳисобга олишни билмагани учун доимо дуч келган жойда такрорлайвериши билан балиғ бўла олмаслигини эслатиш мумкин. Балоғат илмида эса “Ҳар бир жойнинг ўз гапи бор” деб ҳисобланади.

---

<sup>41</sup> З. Шарифов. Балоғат фанидан маърузалар матни. Тошкент. Мовароуннаҳр. 2002. 21-б.

Абдулқоҳир Журжоний ва Маҳмуд Замахшарийнинг хизматлари туфайли балоғат илми уч таркибий қисм: *баён*, *маъоний* ва *бадиъ*га ажратилди.

**Баён** илми тропларни, яъни сўзларнинг кўчма маънода ишлатилиши – ўхшатиш ва мажознинг барча турларини ўрганади.

**Маъоний** (маънолар) илми ўзбек тили стилистикасидаги стилистик синтаксис мавзусига мос келади. Унда фикрни тўлиқ ифода этиш учун грамматик ва лексик воситалардан фойдаланиш қонун-қоидалари ўрганилади.

**Бадиъ** илми фигуралар, ҳар хил шеърӣ-шаклий (қофия) санъатлар ҳақидаги илмдир. Демак, баён ва бадиъ илмлари адабиётшунослик соҳаси мавзуларига, маъоний илми эса филологик илмларнинг тилшунослик қисмига тўғри келади.

Арабча (ал-баян) сўзининг луғавий маъноси “аниқлик, равшанлик”, “тушунтириш, баён қилиш”, “баённома, билдириш, эълон”, “баёнот”, “мурожаатнома, хитоб” ва “баён қилиш, сўзлаш латофати”<sup>42</sup> каби тушунчаларни ифодалаб келади. Балоғат илмида “баён” сўзига қуйидагича таъриф берилади<sup>43</sup>:

*Баён – бир маънони инсон тушуниб ета оладиган шаклда турли усуллар билан ифодалаш услуб ва қоидалари ҳақидаги илм* <sup>44</sup>.

Бизнинг фикримизча, баён сўз ва ибораларнинг кўчма маънолари, яъни мажоз (троп)лардан фойдаланиш ҳақидаги илмдир.

**Баён илми** асосан уч мавзуни ўрганади:

1. *Ташибеҳ* (ўхшатиш)
2. *Мажоз*
3. *Киноя*

---

<sup>42</sup> Ан-наъим. Арабча-ўзбекча луғат. 2002. 89-б.

<sup>43</sup> 3. Шарифов. Балоғат фанидан маърузалар матни. Тошкент. Мовароуннаҳр. 2002. 23-б.

<sup>44</sup> .245-Х. 244

**“Ташбеҳ”** сўзининг луғавий маъноси “ўхшатиш”, “қиёслаш”дир. Истилоҳий маъноси эса қуйидаги таърифдан англашилади:

*Икки ва ундан ортиқ объектнинг бир ёки бир неча сифатга эгаллигини бир восита ёрдамида қиёслашдир*<sup>45</sup>.

Ташбеҳ ишлатилган гап таркибида, одатда, тўрт муҳим омил қўлланилади:

1. Қиёсланувчи сўз
2. Қиёсловчи сўз
3. Қиёслаш воситаси
4. Қиёсланувчи омил

Дастлабки икки тур – ташбеҳ томонлари деб ҳам номланади. Масалан,  
*Муҳаммад силовсин каби чаққон*<sup>46</sup>.

Ушбу гапда – қиёсланувчи сўз, қиёсловчи сўз, Я – қиёслаш воситаси, қиёсланувчи омил исобланади. Ёки бошқа мисолни келтирамыз:

*Ўқитувчи гўёки юлдуздир, адашганларга тўғри йўлни, касодга учраганларга эса оёққа туриши йўлини кўрсатади.*

Ташбеҳнинг беш тури мавжуд:

1. Ташбеҳ мурсал, яъни эркин ўхшатиш.

Бундай ўхшатиш бирор восита ёрдамида амалга оширилади. Масалан:

*Сен сув каби поксан.*

***Улар(нинг баданлари тиниқлик ва силлиқликда) гўёки ёқут ва маржондирлар***<sup>47</sup>.

Яъни жаннатдаги ҳурларнинг ташбеҳини Аллоҳ таоло ҳам ҳикматли, ҳам етук тарзда, ёқут каби яноқлари қизил ва дур маржонлар каби юзлари оқ ва тиниқдир, демоқда<sup>48</sup>.

---

<sup>45</sup> – Х.247 .

<sup>46</sup> Ўша манбаъ. 36-б.

<sup>47</sup> Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент. Тошкент ислом университети. 2004. 533-б.

<sup>48</sup> 280-Х

2. Ташбеҳ муаккад, таъкидловчи ўхшатиш. Ташбеҳнинг бу турида бирор восита ёрдамсиз предмет ёки шахс хусусиятлари иккинчисига ўхшатилади. Масалан:

*Сен порлагандаги қуёшсан.*

Бунда ўхшатиш воситаси қўлланилмаса-да, қизнинг худди қуёш каби порлаётгани бадиъийлаштирилади<sup>49</sup>.

Қуйидаги оятда тоғларнинг сузиб юриши булутларга ўхшатилади:

***Сизлар тоғларни кўриб (мангу) қотиб турувчи деб ўйларсизлар.  
ҳолбуки, улар ҳам ҳудди булутлар (сузиб) юрганидек (ҳавода сузиб)  
юрарлар***<sup>50</sup>.

Яхши биламизки, тоғлар ўз жойидан қўзғалмай собит туради. Лекин агар биз ернинг ҳаво қобиғидан ташқарига чиқиб, ердан анча узоқлашсак ерни ўз ўқи атрофида жуда ҳам тез суратда (соатига 100 мил) айланаётганини ва тоғларнинг ҳам ер билан бирга ҳаракатланаётганини кўрамиз. Лекин уларнинг ҳаракати зотий эмас, яъни тоғларнинг ўзи ҳаракатланмайди, балки уларнинг ҳаракати ернинг ҳаракати билан боғлиқдир, худди булутларникидек. Булутлар ҳам ўзлари эмас, балки шамолнинг эсгани сабабли ҳаракатланади. Бу оят Аллоҳ таолонинг мукамал ва ҳикматли ташбеҳи билан ернинг ўз ўқи атрофида ҳаракатланишига далилдир.

3. Ташбеҳ муфассал, яъни батафсил ўхшатиш. Бундай ўхшатиш турида ўхшатилаётган сўзнинг ҳам, ўхшатилган сўзнинг ҳам умумий жиҳатлари ифодаланади. Масалан:

ГдК ЯЗбФгУ Эн ЦнЗЖеЗ

4. Ташбеҳ мужмал, яъни мужмал ўхшатиш. Ўхшатилаётган жиҳатлар тилга олинмайди. Масалан:

*Бу дунё ўргимчак тўқиган тўр каби бир уйдир.*

Дунёнинг ўргимчак тўрига ўхшателиши сабаби аниқ бўлмагани учун мужмал ўхшатиш турига киради.

5. Ташбеҳ балиғ, яъни муболағали ўхшатиш. Бундай турда ўхшатилаётган жиҳат ҳам, восита ҳам ишлатилмайди. Масалан:

*Сен нурсан*

Ташбеҳ ўхшатилаётган томонларнинг умумий жиҳатлари қандайлигини ҳисобга олиб, яна иккига ажратилади:

1. *Бирламчи ўхшатиш*, бундай турда қиёсланаётган омил бир, икки ёки ундан ортиқ бўлиши кузатилади. Масалан:

*Муҳаммаднинг шижоати шерникига ўхшаи, Зайднинг саховати ва улуглиги булутга ўхшаи.*

***Таврот юклатилган (берилган), сўнгра уни кўтара олмаган (амал қилмаган) кимсаларнинг мисоли ҳудди китобларни кўтариб кетаётган эшакка ўхшайди***<sup>51</sup>.

Бу оятдаги ташбеҳ Тавротдаги Аллоҳ таолонинг ҳукмларига мукаллаф бўлатуриб, унга амал қилмаганларни эшакка икки жиҳатда ўхшатиляпти. Бири бу уларнинг Аллоҳ таолонинг ҳукмларини инкор қилиб кофир бўлганликларида, чунки араблар бир киши жуда қайсар бўлса, “эшакдан ҳам қайсарроқ” деб айтишади. Иккинчидан эса жоҳилликларида эшакка ўхшатишмоқдалар. Чунки эшак қанча китоб кўтармасин, барибир унга илм юқиб қолмайди, чунки у табиатан жоҳил ва бунга рози бўлади<sup>52</sup>.

2. *Жонлантириб ўхшатиш*, бундай турда ўхшатилиш махсус белгиларда эмас, сўзловчининг онгида образлаштирилган ҳолда жонлантирилади. Масалан:

*Ҳасадгўйнинг ҳасадига сабр билан чида, шунда сабринг уни ўлдиргай, олов ейшига нарса тополмаса, ўзини еб битирар.*

***Муҳаммад Аллонинг расулидир. У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўминларга нисбатан) эса раҳм-шафқатлидирлар. Уларни (мудом) Аллоҳдан фазл ва розилик тилаб рукуъ ва сажда қилаётган ҳолларида кўрарсиз. Уларнинг юзларида сажда***

<sup>51</sup> Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент. Тошкент ислом университети. 2004. 553-б.

<sup>52</sup> Қуръону карим. Жумъа сураси.

*асоратидан (қолган) белгилари бордир. Мана шу (сифатлар) уларнинг Тавротдаги мисолларидир. Уларнинг Инжилдаги мисоллари эса, худди бир шохлар чиқариб, қувватга киргач, йўғонлашиб ўз новдасида тик турган, деҳқонларни ажаблантирадиган ўсимликка ўхшайди*<sup>53</sup>.

Мазкур оят мазмунидан англашиладики, Муҳаммад пайғамбар дарахтнинг бир шохига ўхшатилади. Мана шу шох ўсиб, катталашиб бир ўсимликка айланиши ва унинг шохлари кўп бўлиши унинг издошларига қиёсланади. Оятда пайғамбар ва сафдошларининг бирор бир хусусиятлари эмас, бир образ бошқа бир образ орқали жонлантирилган.

Энди баён илмининг иккинчи мавзуси **мажозга** келсак, гапларни англатаётган мазмунига қараб уни ҳақиқат ва мажоз турларига бўлиш мумкин. Сўз асл маъносини ўзгартирмай ҳақиқий маънони ифодалаб келса ҳақиқат деб ҳисобланади. Масалан, *мевалар пишиди*, деганимизда унинг ғарқ пишгани тушунилади, чуқурроқ ўйлаб қаралганда уни Аллоҳ пишириб етилтирди, дейиш мумкин. Бу ҳақиқат, гапни бошқача тушуниш мумкин эмас. Мажоз эса ҳақиқий маънони эмас, кўчма маънони англатадиган гаплардир. Унга балоғат илмида қуйидагича таъриф берилади:

*Мажоз – асл маъносидан бошқа маънода ишлатиладиган лафздир*<sup>54</sup>.

Демак, мажоз бу – лафзнинг ҳақиқий ва кўчма маъноси ўртасидаги муносабатни ифодалашдан иборат.

Агар бу муносабат ўхшатиш асосига қурилган бўлса мажоз – (истиёра), бошқа нарсага асосланган бўлса, мажоз мурсал, деб аталади. Шунга кўра, мажоз тўртга бўлинади<sup>55</sup>:

**1. гМЗТ гЭСП гСУб 2. гМЗТ гЭСП ИЗбЕУКЪЗС –бу икки нав фақат сўзда бўлади.**

---

<sup>53</sup>Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент. Тошкент ислом университети. 2004. 515-б.

<sup>54</sup>ГНГП ЗбЕЗФгн. "МжЗеС ЗБИЗЫЙ". ИнСжК. X: 216

<sup>55</sup> ГНГП ЗбЕЗФгн. "МжЗеС ЗБИЗЫЙ". ИнСжК. X: 217

3. **ҒМЗТ ҒСЯИ ҒСУБ 4. ИЗБЕУКЪЗС ҒМЗТ ҒСЯИ** –бу икки нав эса гап ёки ибораларда қўлланилади. Мана шу тўрт қисм бирлашиб, гапда мажозий маъно ҳосил бўлади.

Мажознинг турлари эса жуда кўп, улардан энг машхурлари 18 та бўлиб, Қуръони каримда уларга мисоллар жуда кўп. Улардан фақат баъзиларини келтириш кифоя қилади. Масалан,

***Ва сизларга осмондан ризқ ёғдиур***<sup>56</sup> (13-Ғофир).

Бу ердаги “ризқ” дан мурод ёмғирдир. У мажозан ризқ дейилаётганининг сабаби ёмғирнинг ёғиши инсонларнинг ризқи бўлган ҳосилларнинг ўсиб чиқишига сабаб бўлади. Демак, бу оятнинг балоғатни англаёлган инсон ёмғирнинг инсонлар ризқланишлари учун сабаб бўлган неъмат эканлигини тушунади. Ёки “Оли Имрон” сураси 107-оятда:

***Аллонинг раҳмати (жаннати)дадирлар. Улар у ерда абадий қолувчидирлар.***

Бу оятда ҳол мажози келтирилган. Яъни мўминларнинг жаннатдаги ҳолатлари Аллоҳнинг раҳмати деб мажозан айтиляпти. Чунки Аллоҳ жаннатдаги бандаларини ўз раҳмати билан у ерга киргизади.

Яна бир мисолда масдар исми мафъулдан мажоз бўлиб келган:

***(Бу) барча нарсани пухта қилган зот – Аллонинг синоатидир***<sup>57</sup>.

“яратди” феълининг масдаридир. эса “яратилган” маъносидаги исми мафъулдир. Оятдаги “сунъа” сўзидан мурод “масну”дир.

Илми баённинг учинчи мавзуси бу **киноя**дир. Унинг луғавий маъноси: инсон айтаётган нарсасидан бошқа нарсани ирода қилишидир. Бунда гоҳида биринчи эшитилгандаги маъно ҳам ирода қилиниши мумкин, гоҳида эса ирода қилинмайди.

***(У) Ариш узра муставий бўлмиш Раҳмондир***<sup>58</sup>.

---

<sup>56</sup> Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент. Тошкент ислом университети. 2004. 468-б.

<sup>57</sup> Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент. Тошкент ислом университети. 2004. 384-б.

Алло таолониг комил қудратидан киноя қилиб айтилган.

***Осмонлар эса унинг “қўлиг”а йиғилувчидир<sup>59</sup>.***

Мушриклар Аллоҳнинг қанчалик буюк қудрат ва ҳикмат соҳиби эканини идрок этмасдан, Уни қўйиб, бутларга сиғинганлари учун оятда еру-осмонлар шунча улкан мавжудот бўла туриб, Аллоҳнинг буюклиги олдида сиқим ёки бир тутам нарсга эканлиги эслатилмоқда. Шояд, шунда Уни тўғри қадрласалар. Лекин уларнинг аксарияти илоҳий ўғитларни қабул қулоғи билан тингламаслар.

***Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг гўштини ейишни  
ҳоҳлайдими?!<sup>60</sup>***

Бу оятда эса инсон гўштини ейиш ғийбатдан киноя қилиб айтилди. Бу ғийбатга бўлган қаттиқ муносабатни ифодалайди<sup>61</sup>.

---

<sup>58</sup> Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент. Тошкент ислом университети. 2004. 312-б.

<sup>59</sup> Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент. Тошкент ислом университети. 2004. 465-б.

<sup>60</sup> Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент. Тошкент ислом университети. 2004. 517-б.

Балоғатчи олимлар ҳолат тақазосига мос келадиган араб лафзларининг ҳолатларини ўрганадиган илмни **маоний илми** деб аташга қарор қилишди<sup>62</sup>.

Сўзловчи сўзлаётган сўзида кийинчилик туғдирмаслик керак. Буни араб тилида танафурул хуруф. Буларнинг ўзи ҳам иккига бўлинади: 1) жуда ҳам кучли, 2) енгилрок.

Сўзловчининг сўзи фасохатли бўлишлиги учун айнан шу танафурул хуруф (харфларнинг бир биридан итарилиши, мос келмаслиги) бўлмаслиги керак. Кам ишлатиладиган сўзлар ва бир созъ бир неча маъноларни билдирадиган сўзларни айтмаслик. Буни араб тили балоғат илмида ғароба (окам ишлатиладиган, ғариб) дейилади.

Абу Абдуллох ал-Хоразмий (вафоти 997) ҳам ўзининг «Мафотихул - улум» («Илмлар калитлари») асарида ўша давр нутқ маданиятининг баъзи бир масалалари - девонхона иш коғозлари, уларнинг шакллари, ишлатиладиган истилохлар (терминлар); шунингдек адабиётшунослик фани истилохлари, уларнинг таърифи хакида маълумот беради. Асарнинг бешинчи бобида аруз ва кофия илми ҳамда шеърятда ишлатиладиган бадий тасвир воситалари, уларнинг фазилатлари ва нуксонлари устида сўзлайди.

Бу шуни кўрсатадики, X асрдаёқ улкамизда бадий нутқ юксак даражада ривожланган. Унинг назарияси, мукаммал ишланган эди.

Кайковуснинг нотик сўзнинг маъноларини ҳар томонлама ўрганган бўлиши керак, деб хисоблайди: «Ей, фарзанд, сўзнинг юз ва орка томонини билгин, уларга риоя килгин, сўзлаганингда маъноли гапир, бу нотикликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканини билмасанг, кушга ўхшайсан, бундай кушни тўти дейдилар!.. Шундай кишини нотик (сухангуй) деймизки, унинг ҳар сўзи халкка тушунарли бўлсин ва халкнинг ҳар сўзи унга ҳам маълум бўлсин. Ойламасдан сўзлама, ҳар бир

---

<sup>62</sup> ГНГП ЗбсЗФгн. "МжЗсС ЗБИЗЫЙ". ИнСжК. X: 34

сўзни ўйлаб гапир, то айтган сўзингдан пушаймон бўлмагайсан. Агар сўзни ва илмни яхши билсанг ҳам, ҳеч бир сўзни бузма тўғри таърифла. Сўзни бир хилда гапир».

Киши камтар бўлиши керак, ўзини халк орасида оддий, камтар тутиши лозим, махмадоналик килиш, кўп гапириш донолик белгиси эмас... «Ёй фарзанд, агар сен ҳар қандай нотик бўлсанг ҳам, ўзингни билганлардан пастрок тутгил, токи сўзинг билимдонлиги вақтида бекор бўлиб қолмагайсан. Кўп билу, оз сўзла, кам билсанг, кўп сўзлама, чунки ақлсиз киши кўп сўзлайди, деганларки, жим ўтириш саломатлик сабабидир. Кўп сўзловчи ақлли одам бўлса ҳам, халк уни ақлсиз дейди...».

Сўзинг кадри, ундан фойдаланиш, кам сўзлаб, кўп маъно юклаш, равшан фикрлаш каби масалалар устида ХИИ-ХИИИ аср мутафаккирлари Юсуф Хос Хожиб, Ахмад Югнакийлар ҳам ибратли фикрлар билдирганлар.

Улуғ шоир Юсуф Хос Хожиб туркий халқларнинг ХИИ асрдаги ажойиб бадий ёдгорлиги бўлган «Кутадғу билиг» («Бахт келтирувчи билим») асарида сўзларни тўғри танлаш ва қўллаш ҳақида: «Билиб сўзласа сўз билиг саналур» деган эди.

Киска сўзлаш, сўзларга иложи борица кўпроқ маъно юклаш ҳақида:

Угуш сўзлама сўз бирор сўзла оз,

Туман сўз тугунни бу бир сўзла ёз.

Мазмуни: Сўзни кўп сўзлама, камроқ сўзла. Туман (минг) сўз тугунини шу бир сўз билан еч.

Гапиришдан мақсад сўзловчи кўзда тутган нарса, ходиса, воқеаларни тингловчига тўғри, таъсирчан етказишдан иборат. Шундай экан, нутқнинг тўғрилиги, раволиги ва мантикийлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Мутафаккир сўзловчини тилнинг аҳамиятини тушунган ҳолда ҳовликмасдан, сўзнинг маъноларини яхши англаб, нутқни раво қилиб тузишга чақиради:

Тил асиғи талим бор, басингма укуш, -

Ара ўгдилур тил, ара минг сукуш.

Неча мундоғ эрса билиб сўзла сўз,

Сўзинг булсў курсу қарагука кўз.

(Тилнинг фойдаси талайдир, ортикча ховликма,

Гохо тил, макталади, гохо сукилади.

Модомики шундай экан, сўзни билиб сўзла,

Сўзинг кўр учун кўз бўлсин (у) кўра билсин.

Адиб Ахмад Югнакий (ХИИ-ХИИИ) ҳам сўзлаганда нутқни ўйлаб шошмасдан тузишга, кераксиз ярамас сўзларни ишлатмасликка, мазмундор сўзлашга чакиради. Нотўғри тузилган нутқ туфайли кейин хижолат чекиб юрмаган, деб сўзловчини огохлантиради:

ХВ асрда Хиротда яшаган атокли аллома Хусайн Воиз Кошфий ҳам нутқ хакида кимматли фикрлар билдирган:

«Билгилки, одамзотнинг шарафи нутқи билан ва нутқ одобига риоя килмаган одам бу шарафдан бебахрадир. Сўз хамма вақт савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим турган маъкул», - дейди ва суҳбат коидаларини иккига ажратади.

И. Ёши улуғларнинг суҳбат одоби коидалари олтита:

1. Ҳар кимнинг ахволига қараб муносиб сўз айтсин;
2. Дағаллик килмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин;
3. Гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин;
4. Овозини баланд кўтармасин, эшитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин;
5. Одамларга нафъи тегадиган маъноли гапларни гапирсин;
6. Агар сўзнинг киммати-қадри бўлмаса уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки қирган бўлса, уни қаерга экманг униб қикмайди;

II. Ёшлар суҳбат одоби саккизта:

1. Сўрамагунларича гапирмасин;
2. Гапираётганда овозини баланд кўтармасин;
3. Гапираётганда ўнггу сулга қарамасин;
4. Ғаразли ва қинояли гапларни гапирмасин;
5. Қаттиқ гапирмасин ва бетга қопарлик килмасин;
6. Пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсин;

7. Одамлар гапини бўлиб сўз котмасин;

8. Кўп гапирмасин. Чунки кўп гапириш акли нокислик белгисидир. Оз бўлса ҳам, аммо соз гапиришни шиор этсин.

Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати умумий, ўхшаш томонларга эга. Ҳар иккала соҳа тил ва нутқ, инсон нутқи билан алоқадордир. Ҳар иккаласи кишилар нутқий фаолиятининг фойдали, таъсирчан, ўткир бўлиши учун кўрашади, инсоннинг нутқий маданиятини унинг нутқий ҳаётини устиришга хизмат килади. Нутқ маданияти ҳам нотиқлик ҳам нутқий одоб, нутқий гўзаллик, нутқий мантик қонуниятларидан озикланган ҳолда иш кўради. Аммо шунга қарамадан бизнингча нутқий санъат маъносидаги нотиқликни, яъни фарқулудда нутқий маҳорат ва қобилият бўлган нотиқликни оммавий нутқ (нотиқлик) дан фарқлаш лозим.

## **II-БОБ. НОТИҚЛИК САНЪТИНИНГ БАЛОҒАТ ИЛМИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚЛИЛИГИ**

### **2.1 Нотиқликнинг санъат даражасига кўтарилиши**

Кўп ҳолларда нутққа ташқи омиллар сабабли путур етади. Бу омиллар маъруза матнидан узоқ бўлсада, унга кучли таъсир ўтказиши мумкин. Баъзида нотиқ нутқини фасоҳат билан етказиб, минбардан тушиши биланок жамоатга етказган маълумотларнинг таъсири умуман йўқолиб бўлади. Бу Нотиқ ва жамоатнинг ўртасида маданиятни турли ҳил эканидадир.

Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: номутаносибликлар, замон ва макон эътибори, жамотанинг ҳолати.

Макон эътибори билан номутаносиблик: ҳар бир шаҳарни ўзининг иқлими маданий географик тузилишига қараб ўзига хос ҳолатлари, шароитлари мавжуддир. Нотиқдан бир маълумотни жамоатга етказганда маконлар, жойлар орасидаги фарқларга риоя қилишлик талаб қилинади.

Луғавий номутаносиблиги: Нотиқ ўз маърузасида тинглаётган одамлар яхши билмайдиган ёки баъзи бир кисминигина истеъмол қиладиган тилда гапирса, бу нарса мавзуга (уни етказишга) салбий таъсир кўрсатади ва кўп вақтларда эса асосий мавзунини йўқотишга олиб келади.

## 2.2 Нотикқа зарур бўлган ўзига хос сифатлар

Буларга: матонат ва қатийятни киритиш мумкин. Бирор фанни ёки жахон тилларидан бирини ўрганиш учун ҳаракат қилаётган одам муваффақиятга эришиш учун кўп вақт даркор эканлигини билиши шарт. Баъзи вақтлар фойдали, баъзилар эса натижасиз ўтади. Лекин, энг муҳими юксакрок натижага эришишга доимо ҳаракат қилиш керак. Яна натижа чиқмаётган вақтларда тўхтаб қолмаслик ёки ортга қайтмаслиги даркор. Матонат Нотикқа нисбатан ҳам нажот ҳалқасидир. Бу вақтнинг ўзида эса у, этишлик орзу қилинган мақоми бўлиб қолмоқда. Нотик хоҳиш истак, ҳавф, нутқ, товушни ишлатиш ўзини тутиш, кийимлар, табассум, жамоатни бир жойга йиғиш, ёруғлик, жимлик, ишораларга ҳам жиддий эътиборини қаратиши лозим.

Ўрта Осиё маданияти тарихида ҳам нутқ маданияти билан шуғулланишнинг ўзига хос мавқеи бор.

Буюк комусий олим Беруний (973-1048) ўзининг «Геодезия» асарининг кириш қисмида фанларнинг пайдо бўлиши ва тармоқланиб кўпайиши ҳақида сўз юритиб, ҳар бир фаннинг инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан юзага қилишини айтади. Унингча, грамматика, аруз ва мантик фанлари ҳам шу эҳтиёжнинг ҳосиласидир. Инсон нутқи ўз тузилиши материалига кўра ростни ҳам, ёлғонни ҳам ифодалаши мумкин. Бу кўплаб мунозараларга сабаб бўлади. Инсон бу мунозаралар жараёнида ростни ёлғондан ажратадиган «мезон» ни яратади. Бу мантик фани эди. Инсон нутқида шубҳали ўринлар сезилса, маълум «мезон» ёрдамида улар тузатилади. Олим мантикни ўрганмаганларга: «Агар у дангасаликни ташлаб, оромга берилмасдан, гап билан боғланиб келадиган нахв (грамматика), аруз (шеър ўлчови) ва мантик (логика) ни мутолаа қилганда эди, сўз зотан, наср ва назмга ажралишини билган буларди», - дейди. Демак, Беруний нутқнинг

икки хил - наср, назм кўриниши борлигини кўрсатади. Нутқнинг бу турлари маълум коидалар асосида шаклланади.

Беруний шакл ва мазмун бирлигига катта аҳамият беради. Шакл мазмунга хизмат қилиши керак. Мазмунсиз ҳар қандай чиройли шакл ҳам эл орасида эътибор қозонмайди. Нутқнинг насрий шаклида ҳам назмий шаклида ҳам мазмун бош мезондир. Нутқ ўзининг ҳар икки шаклида ҳам сўзловчи ўз олдига қўйган маънони ифодалаши шарт. Олим ёзади: «Сўнгра сўз мана шу икки қисмда (наср ва назмда) ҳам сўзловчи мақсад қилган маънодан иборат бўлиб қолади». Насрий ва назмий нутқда мазмун (маъно) бор ёки йўқлигини билиш тузилган гапларни бир-бири билан қиёслаш орқали аниқланади. Бу вазифани мантик фани ўз бўйнига олади.

## Хулоса

Қуръони карим таркибидаги ҳар бир жумла ва ҳар бир сўзнинг балоғати ўзининг мўжизакорлиги билан қалбларга етиб боради. Уни эшитаётган инсониятнинг энг фасоҳат ва балоғат билан сўзловчи кишилари ҳам унинг олдида ожиз қолишади ва унинг услублари, таркиби, лафзлари ва маъноларини ўрганишга киришадилар. Лекин барибир ундаги барча мўъжизаларнинг сирини билишга қодир бўла олмадилар. Қуръоннинг балоғати худди жасатдаги рухдек, таъсири кучли, аммо илм билан ихота қилиб бўлмайди. Мана шу иш, яъни инсониятнинг Қуръони карим балоғатига тенглаша оладиган биттагина сўз келтира олиш уёқда турсин, унинг балоғатини тўлиқ тушунишдан ожиз қолиши Қуръони каримнинг энг оддий мўъжизасидир. Қуръони каримдагиги ҳар бир сўзнинг ўрнида бошқа бирор сўз кела олмаслигига бир нечта сабаблар бўлади. Улардан бири оятларда фойдаланилган ҳар бир сўз ўзининг ўрнига келиши мумкин бўлган ҳар қандай сўздан талаффузи енгилроқ ва чиройлироқ бўлганлиги учун. Бунга қуйидаги мисоллар кифоя қилади<sup>63</sup>:

Яхши нутқ тузиш учун нахв, аруз, мантик фанлари ҳамкорлигидан фойдаланинг зарур бўлади. Уларнинг бирортасига ҳам ахамият бермаслик, булардан бирининг коидасининг бузилиши, колган иккитасига таъсир килмай иложи йўк».

- Нутқ маданияти чиннакам маънода адабий тил билан боғлиқ ходисадир. Унинг пайдо бўлиши, лисоний асоси, талаб ва мезонлари адабий тил ва унинг меъёрлари билан боғлиқтсир. Нотиқлик санъати учун булар асосий белгилар эмас. Нотиқлар орасида адабий тил талабларига тўла амал килмайдиганлар, маълум лахжа ёки шевада ҳам чиннакам нотиқлик санъатини намойиш килувчилар учрайди. Сўзга чечанлик, нотиқлик тил материалининг характериға караб эмас, нутқнинг таъсирчанлигига, нутқий санъатга караб белгиланади.

---

<sup>63</sup> Шайх Абдул Мажид аз-Зиндоний. Илмул Иман. Ж-3. 163-бет. Мактабатуш-шамिला.

- Нотиқлик - бу нутқнинг оғзаки шаклидир. Нотиқлик санъати - оғзаки нутқ санъатидир. Нутқ маданияти эса нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун тааллуқли тушунчадир.

- Нутқ маданияти жамият аъзоларининг умумий нутқий фаолиятини кўзда тутди. Нутқ маданияти соҳасининг мақсади, орзуси барчанинг, бутун халқнинг нутқини маданийлаштиришни мўлжаллайди. Мумтоз маънодаги нотиқлик эса алоҳида шахсларнинг нутқий маҳоратини, санъатини ифодалайди. Нотиқлик, асосан, нутқ воситасида кишиларга муайян ғоя ва мақсадларни етказишни, уларни маълум мақсадга сафарбар қилишни кўзда тутди. Яъни нотиқлик санъатида тингловчиларни маълум мақсадга жалб қилиш асосий ўрин тутди.

- Санъаткор нотиқ нутқи асосан кўпчилик тингловчига кенг аудиторияларга мўлжалланган бўлади. Нотиқни бирдан ортиқ шахслар тинглайди. Нутқ маданияти мана шундай тингловчилардан ташқари кишилар орасида одатий суҳбатларни, яқка кишига қаратилган нутқларни ўз ичига қамрайди.

- Ҳар бир киши она тилининг имконият ва бойликларини яхши эгаллаган, нутқ маданияти талабларига жавоб берадиган сўзамол шахс бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир шахс ҳам санъаткор маъносидаги нотиқ бўлмаслиги, бўла олмаслиги мумкин. Лекин адабий тилдан фойдаланувчи ҳар бир нотиқ нутқ маданиятидан хабардор бўлиши шарт.

- Нутқ маданияти кўпчиликни, кенг халқ оммасини кўзда тўтиб иш кўрувчи соҳадир. Бу маънода нутқ маданияти кенг омма учун мўлжалланган талабдир, аммо нотиқлик - бу аввало қобилият, шахсий қобилиятдир. Алоҳида санъаткорлик маъносидаги нотиқлик нутқий санъатни, нутқий гўзалликни ҳисобга олади. Нутқ маданияти эса кишиларнинг барчасини санъаткор нотиқ қилишни кўзда тутмайди. У, асосан, она тилида ёки ўзга бир тилда тўғри, маданий гапира олиш ва ёза олиш фаолиятини тарбиялашни мақсад қилиб олади.

- Нутқ маданияти - бу фақат нутқ ҳақидаги нутқий фаолиятга тегишли тушунча ва соҳа эмас, у тил маданияти билан ҳам, яъни адабий тилни ва

унинг меъёрларини ўрганинг ва бу меъёрларни қайта ишлаш иши билан шуғулланади. Нотиклик санъати эса бундай илмий - меъёрий фаолиятни кўзда тутмайди.

- Нотиклик, кўпроқ нутқнинг мазмунига мантикий асосларига, мундарижавий тузилишига эътибор қилади, нутқ маданияти соҳаси эса кўпроқ нутқнинг тил қурилиши - лисоний тузилишига эътибор қилади.

- Нотиклик, асосан, аниқ бир шахс - нотик ёки гуруҳлар -нотиклар нутқи ҳақида қайғуради. Бунда у нотикни тинглаётганлар, яъни кенг маънода тингловчилар оммаси нутқини ҳам кўзда тутмайди. Нутқ маданияти эса, бундан фарқли равишда умуман кишиларнинг нутқий фаолиятини, нутқ маданиятини кўзда туттади. Шу сабабли нутқ маданияти мақсадига кўра ва нутқий фаолияти нуктаи назаридан кенг мақсадли соҳа нотиклик эса тор соҳасидир.

- Нотиклик санъати нотик учун олдиндан қандай сўзлаш схемаси ва режасини бермайди ва бу тип нутқ доимо ҳам олдиндан тайёрланган, тайёргарлик қурилган нутқ эмас, нутқ маданияти соҳаси эса жамият аъзоларини она тили, яъни адабий тил бойликлари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ шароит ва услуб тақозоси талабига кўра ўринли фойдалана олиш кўникмасини беради. Бундай кўникма аслида ҳар қандай санъаткор нотик учун ҳам зарур.

- Нотиклик ва нотиклик санъати ҳақидаги фан анча қадимий тарихга эга, нутқ маданияти илмий муаммо ва илмий соҳа сифатида ҳали ёш ва янгидир.

Ҳозирги пайтда инсонлар ўртасида юзага келаётган низо ва тортишувлар ҳам инсонларнинг айнан мана шу чиройли сўзлай олмаслигидан келиб чиқаётгани кириш қимсида баён қилинган. Минтақамизда кўпаяётган оила бузулиши ҳам асосан ёшларнинг нутқ маданияти, ширинсуханликнинг йўқолиб бораётгани сабабидан келиб чиқаётган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун ҳам жорий 2012-йилни Президентимиз “мустаҳкам оила йили” деб номлаш орқали оилаларнинг мустаҳкамлигига эътибор беришга ҳаммани чақирганликлари ҳам барча соҳа мутахассислари шу жумладан исломшунослик йўналишидаги ходимларни ҳам шу муаммони ҳал қилишда

бор ҳаракатларини сарфлашларини талаб қилади. Бу ҳаракатлар қаторида  
балоғат илми ҳақидаги битирув малакавий иш ҳам ўз фойдасини беради  
деган умиддамиз.

## **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8.-Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари.- Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Орипов К., Обидова М. Ифодали ўқиш. -Т.: Ўқитувчи, 1994.
5. Жалилов Х. Нотиқлик санъати. -Т.: Фан, 1990.
6. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ғ. Нутқ маданияти ва услубият асослари.- Т.: Фан, 1992.
7. Хусанов Н. Нутқ маданияти фанидан маъруза матнлари. - Т.: ТМИ, 2001.
8. Қўнғуров Р., Абусаидов А. Газета тили лексик стилистикаси. Самарканд. Сам.ДУ, 1994.
9. Валиева М. Нутқ маданиятини шакллантириш ўзликни англашдир. "Тил ва адабиёт таълими" журнали, 1999, 3 сон.
10. Хозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати. -Т.: "Сард", 2001.
11. Ўзбек тилининг имло луғати. -Т.: Ўқитувчи, 2000.
12. Бегматов Э. Нотиқнинг нодир бойлиги.- Т.: Фан, 1990.
13. Турсунов, Бозорбоев. Ўзбек адабий тили тарихи.- Т.: Ўқитувчи, 1999.

## **Қўшимча адабиётлар**

1. Қуръони Карим. - Т.: Чўлпон, 1993.
2. Ал-Бухорий Абдуллоҳ... Ал-Жомий ас-Саҳих. Ҳадислар. 1-4-жилдлар. - Т.: Қомус, 1992.
3. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1993.
4. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. - Т.: Фан, 1968.
5. Темур тузуклари. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.
6. Улуғбек Мирзо. Тўрт улус тарихи. - Т.: Чўлпон, 1996.
7. Алишер Навоий. Маҳбуб-ул қулуб. - Т.: Фан, 1987.
8. Низомиддин Шомий. Зафарнома. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. З.М. Бобур Бобурнома. - Т.: Чўлпон, 1998.
10. А. Авлоний Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.- Т.: Шарқ, 1994.
11. М. Бехбудий Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 2000.
12. Бобоев Х., Хасанов С. Авесто-маънавиятимиз сарчашмаси. -Т.: Адолат, 2001.
13. Маънавият юлдузлари. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги нашриёт, 1999.
14. Халқ, миллий мафкура ва зиёли масъулияти. // Тафаккур, 1999, 2-сон.

15. Комилов Н. Тасаввуф. -Т.: Фан, 1996.

16. Шомахмудов Ш. Шорахмедов Ш. Ҳикматнома.- Т.: Ўзбек энтсиклопедияси бош редактсияси, 1990.

17. Муҳаммад Баракот Хамди Абу Али. – Балағотул арабия. Уммон. Дарул-башир. 1991.

18. Муҳаммад Диаб, Султон Муҳаммад. Дурусул-балоға. Мактабатул мадина қаратиш. Покистон. 2007.

19. Абдаррахмон Ҳасан. Балоғатул арабия. Дарул-қалам. Дамашқ. 1992.

20. Шавқий Зойф. Балоғат илмининг ривожии ва тарихи. Дарул-маориф. Қоҳира. 1995.

**Интернет сайтлари:**

1. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) <<http://www.ziyouz.com>>
2. [www.ziyouz.net](http://www.ziyouz.net) <<http://www.ziyouz.net>>
3. [www.kitob.uz](http://www.kitob.uz) <<http://www.kitob.uz>>